Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 47 (20. 914) 1991 йил 7 март, пайшанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

Рўзнома саҳифаларида:

● Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш, миллатлараро можароларни тўхтатиш, тангликдан чиқишни таъминлаш сингари масалалар ҳозир долзарб бўлиб турибди. КПСС Марказий Қомитетида бўлиб ўтган кенгашда ҳамда Иттифоқ ҳукуматининг мажлисида шу масалалар атрофлича муҳокама этилди.
(1-БЕТ)

● «Ўзбекистон ССР фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясида қабул қилинди. Ушбу Қонун матни ҳамда уни кучга киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қарори билан танишасиз.
(2- ВА 3-БЕТЛАР)

● Ўрта Осиё ва Қозоғистон ишлаб чиқариш кучларини 2010 йилгача бўлган даврда ривожлантиришнинг комплекс дастурига мувофиқ ишлаб чиқилаётган Орол денгизи ҳавзасидан тўла-тўкис фойдаланиш ва сув ҳамда ер ресурсларини муҳофаза қилиш чизмалари тасдиқланишини тезлаштириш масаласи ғоят муҳимдир.
(4-БЕТ).

Шу кунниг нафраси

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

СССР ВАЗИРЛАР КАБИНЕТИДА

● 4 март куни СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида Иттифоқ ҳукуматининг мажлиси бўлди. Унда шундай муаммолар мажмуи кўриб чиқилдики, мамлакат, унинг барча халқларининг ҳаёти том маънода ана шу муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқдир.

Мажлис қатнашчилари — иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар ҳукуматларининг, вазирликлар ва идоралларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари ССР Иттифоқи ва жумҳуриятларнинг давлатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришга ҳамда шу йил озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини етказиб беришга оид иқтисодий битимлари қандай бажарилаётганлигини талабчанлик билан ғоят чуқур таҳлил этдилар.

Мажлисда республикалар ўзлари имзолаган шартномаларни, шунингдек, марказ республикаларга нисбатан ўз мажбуриятларини жуда қониқарсиз бажараяптилар, деган асосий хулосага келинди. Натижада мамлакат, жамият мушкул вазиятда қолди.

Совет ҳукуматининг раҳбари республикалар раҳбарлари билан биргаликда ўтган йилнинг охирларида кўрган шошилинч тадбирлар ижтимоий ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга қаратилган муҳим қадамлар қўйишга имкон берди. Бу биринчи навбатда, ўзаро шартномалар асосида корхоналар ўртасидаги хўжалик алоқаларини мустаҳкамлашга таалуқли бўлди.

Нотиқлар мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий турмушидаги аҳвол мушкуллашганлигини ва бир қатор соҳаларда тоқат қилиб бўлмайдиган вазият вужудга келганини кескин таъкидладилар. Йилнинг дастлабки икки ойида ишлаб чиқариш ва миллий даромад пасайди. Бу муаммолар нефть қазиб олиш ҳамда уни ички ва ташқи бозорга етказиб бериш ҳажмлари камайиши муносабати билан, айниқса, ўткирлашмоқда. Айни пайтда жаҳон бозорида нефтнинг нархи кескин тушиб кетмоқда.

Хўжалик алоқалари бузилаётганлиги — иқтисодиётда муаммолар кескинлашиб бораётганининг асосий сабабларидан биридир. Барча қатнашчиларнинг нутқларида ана шу фикр айтилди. Марказ ҳам, республика ҳам, вилоят ҳам, район ҳам корхоналарга маҳсулотни қаерга етказиб бериш тўғрисида буйруқ берадиган мантиққа зид вазият таркиб топди. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Кўпгина нотиқлар ҳозир мамлакатда моддий неъматларни ишлаб чиқариш билан эмас, балки уларни тақсимлаш, бўлиб олиш билан кўпроқ шуғулланишаётганини айтдилар.

Вужудга келган вазиятда, айниқса, кичик республикаларга қийин бўлмоқда. Таъкидлаб ўтилганидек, катта республикалар уларнинг манфаатларига зарар етказган ҳолда келишиб олмоқдалар, мавжуд марказий идоралар билан бир қаторда шунга ўхшаш янги тузилмалар ташкил этишга уринмоқдалар. Саноатнинг, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг иш шароити қийинлашаётганлиги туфайли молиявий системада номутаносиблик кучаймоқда.

Шундай шароитда баъзи сиёсий кучлар ўзларининг ғаразли манфаатлари йўлида хатарли хатти-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар ва хусусан одамларни жамиятнинг ва ўзларининг манфаатларига қарши оқибатларга олиб келадиган иш ташлашларга даъват этмоқдалар.

Республикаларнинг раҳбарлари асосан эътиборни ишлаб чиқаришнинг янада пасайишига йўл қўйиб бўлмаслигига қаратдилар. Ҳозир барча кучларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга, фан-техника тараққиётига, ҳар бир жойда иш самарадорлигини оширишга қаратиш керак. Фақат шундай қилгандагина иқтисодиётни танг ҳолатдан олиб чиқиш, мамлакатни четдан мол харид қилишга қарамликдан халос этиш мумкин. Айни вақтда экспорт таркибини яна бир бор таҳлил этиш керак: мамлакат учун ғоят зарур бўлган маҳсулот чет элга сотилмоқда, натижада ички бозорнинг барбод бўлиши кучаймоқда.

Корхоналар ва базаларда товар-моддий бойликларнинг жуда катта заҳиралари тўпланиб қолганлиги ҳам айтиб ўтилди. Ортиқча молларни сотишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш кераклиги таъкидланди.

Мажлис қатнашчилари муаммоларни эски маъмурий усуллар билан эмас, балки бозор сари изчил ва жадал ҳаракат қилиш орқали ҳал этиш мумкинлигини кўрсатиб ўтдилар. Ҳозир биз кучларни жамлаб, мавқени мустаҳкамлаяпмиз, бозор системасига ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг тўла мустақиллигига ва масъулиятли бўлишига ўтиш учун шарт-шароит яратяпмиз.

Бугунги кунда қийинчиликларни фақат республикалар ва марказ биргаликда ўзлари ўртасида энг мақбул алоқаларни йўлга қўйиб, ҳал этишлари мумкинлиги айтиб ўтилди.

Мажлисда асосий эътибор республикалар билан ССР Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий битимлар бутун мажмуини рўёбга чиқаришнинг таъсирчан воситаларини вужудга келтиришга қаратилди. Бозорга ўтиш чоғида таркиб топган хўжалик алоқаларини сақлаб қолишга, корхоналар, шунингдек, мамлакат минтақалари ўртасида маҳсулотнинг эркин ҳаракат қилишига энг кўп даражада кўмаклашиш ғоят муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди. Озиқ-овқат ва ашёвий моллар, ёқилғи ва энергия етказиб беришга оид мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши тўғрисида бир қанча республикалар раҳбарларининг билдирган фикрлари маълумот учун қабул қилинди.

Мажлис қатнашчилари молиявий масалаларга, бюджетга ва иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг бюджетдан ташқари фондларига бир хил ёндашувлар ҳаётий зарур эканлиги тўғрисидаги фикрни маъқулладилар. Улар нарх белгилаш соҳасида келишиб олинган сиёсат тўғрисидаги масалани энг муҳим масала деб билдилар.

Хўжалик алоқаларини барқарорлаштириш юзасидан ташкил этилаётган комитетга 10 кун муддат ичида иқтисодий битимларни рўёбга чиқаришда ҳал этилмаган масалаларни узил-кесил бартараф этишга оид шошилинч чоралар кўриш вазифаси топширилди. Бунда озиқ-овқат етказиб бериш, баҳорги экиш ишларига тайёргарлик кўриш ва қурилишдаги аҳвол билан боғлиқ муаммоларга асосий эътибор қаратилди. Мажлис давомида тақдим этилган таклифлар Федерация Кенгашида кўриб чиқишга қарор қилинди.

СССР Президенти М. С. Горбачев муҳокамага якун ясади.

Мажлисда СССР Бош вазири В. С. Павлов нутқ сўзлади.

(ТАСС).

ТАНТАНАЛИ ВАЗИЯТДА

6 март куни Сурхондарё вилоятн ташкил топганига эллик йил тўлди. Шу сана муносабати билан Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Фармон чиқарди. Фармонга мувофиқ вилоятнинг алоҳида ўрнак кўрсатган меҳнаткашлари ҳамда фахрийларига фахрий унвонлар берилди. Сурхондарёликларнинг катта гуруҳи Ўзбекистон ССРнинг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Ярим асрлик тўй арафасида халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси, Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби Х. Э. Бердиев тантанали вазиятда олий мукофотларни топширди.

Термизда бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман ҳам ана шу шонли санага бағишланди. Унда жумҳуриятимизнинг етакчи олимлари вилоят тарихининг турли жиҳатлари хусусида маърузалар қилишди.

Вилоят кенгаши ҳайъатининг қарори билан вилоятнинг ярим асрлик тўйи шу йилнинг 24-25 августида байрам қилинади.

(ЎзТАГ мухбири).

ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИК

Наманган вилояти ва вилоят партия ташкилоти ташкил топганига 50 йил тўлди. Ярим аср мобайнида вилоят ва унинг партия ташкилоти ҳар томонлама ўсиб, ривожланди. Ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам, саноат ва бошқа соҳалари ривожланган вилоятга айланди. Куни кеча вилоят ва унинг партия ташкилоти юбилейга тайёргарлик кўриш юзасидан мажлис бўлиб ўтди. Унда юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни 30 март куни нишонлашга қарор қилинди. Вилоят юбилейига тайёргарлик барча ташкилот, корхона ва муассасаларда қизғин давом этмоқда. Вилоят меҳнаткашларни юбилейга ўзларининг муносиб ҳиссалари билан келишга пухта ҳозирлик кўришмоқда.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

17 март—СССР референдуми куни

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

5 март куни КПСС Марказий Комитетида Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, республика, вилоят ва ўлка партия комитетлари биринчи котибларининг кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари мамлакатдаги вазият, бўлажак референдум, иқтисодий масалаларни ҳал этишда партия ташкилотлари ролини ошириш юзасидан фикр алмашдилар. Сўзга чиққан кишилар меҳнаткашларнинг манфаатларини, мамлакат бирлигини, миллатлараро можаролар тўхтатилишини, тангликдан чиқишни таъминлашни ҳимоя қилишга қаратилган барча тадбирларни қўллаб-қувватладилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

(ТАСС).

СССР КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ КОМИТЕТИДА

СССР Олий Кенгаши Иттифоқдош жумҳуриятлар давлат ҳокимияти олий идораларининг 1991 йил 17 март куни ўтказиладиган СССР референдумига тегишли ҳужжатларининг қонунийлиги тўғрисидаги масалани муҳокама этишни таклиф қилганлиги муносабати билан СССР Конституциявий назорат комитети баёнот қабул қилди. Баёнотда СССР фуқароларига уларнинг референдумда қатнашиш ҳуқуқларини эркин амалга оширишга бевосита ёки бавосита халақит қилувчи ҳар қандай ҳужжатлар СССР Конституциясига зид эканлиги уқтирилади.

(ТАСС).

ОММА БИЛАН МУЛОҚОТ

Жумҳурият «Билим» жамиятида жумҳурият, Тошкент вилояти ва шаҳар ташкилотлари лекторларининг жумҳурият етакчи олимлари билан учрашуви бўлди. Улар бўлажак Бутуниттифоқ референдумининг мақсад ва вазифалари тўғрисида фикрлашдилар, олимлар кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтардилар.

Лекторлар тайёргарлик даврида меҳнат жамоаларида бўлажак референдум юзасидан катта тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Олимлар билан учрашув уларга меҳнаткашларнинг энг ўткир саволларига тўлароқ жавоб беришда ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

ЭЛГА ЭЛ ҚЎШИЛСА...

Қариялар ўртасида «Элга эл қўшилса — давлат, элдан эл кетса — фалокат» деган гап бор. Бу гап бежиз айтилмаган. Кўпчилик бўлсакда иноқ яшасак ҳамиша ниятимиз амалга ошади. Эрк, мустақиллик деган нарса бир кунда қўлдан-қўлга ўтадиган тушунча эмас. У онгимизга, шууримизга, турмушимизга йиллар давомида сингади. Ахир турғунлик даврида йўқотдик, деган миллий анъаналаримизни, қадриятимизни, қолаверса мустақиллигимизни ҳам қайта қуриш туфайли аста-секинлик билан қўлга киритяпмиз-ку!

Инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Агар феъли кенг тутиб, бир-биримизга бағримизни очсак, муносабатларимизни ҳар томонлама ўзаро манфаатли асосда қуролсак, ҳозирги Иттифоқимиз ҳам ҳар қандай оғирликни енгишга қодир.

Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг янгича шаклда тикланаётганлигини эшитиб, қувонинг кетдим. Ахир, кейинги беш-олти ойдаги ўзибўларчилик иккала томон учун ҳам озмунча зарар келтирди дейсизми? Хайриятки, ақл-заковат устун келди. Икки жумҳурият ўртасида йигирма йилга мўлжалланган шартномалар имзоланди. Бошқа жумҳуриятлар билан ҳам ана шундай муносабатлар ўрнатилишига ишончимиз комил. Мен, авваламбор, Иттифоқимизни сақлаб қолиш тарафдорман. Ўзбекистон ана шу Иттифоқ таркибидаги тенг ҳуқуқли, мустақил давлат бўлишини, ер усти ва ер ости бойликларига ўзи эгалик қилишини истайман. Референдум куни жумҳурият мустақиллигини қоғозда эмас, амалда тан оладиган ягона Иттифоқ учун овоз бермоқчиман.

О. ИСТАМОВ,
Самарқанд район маиший хизмат кўрсатиш бирлашмаси бошлиғи.

М. С. ГОРБАЧЕВ Г. КОЛЬ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

5 март куни кечқурун Президент ва Канцлер телефон орқали боғландилар. Совет-Герман шартномалари тасдиқланганлиги тўғрисидаги мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Г. Коль СССР Олий Кенгаши ана шу шартномаларнинг учтасини тасдиқлаганлигини юқори баҳолади. Бу икки халқ муносабатларида янада олға силжишга эришиш учун жуда катта аҳамиятга эга, М. С. Горбачев мазкур ҳужжатни соғлом фикрнинг ифодаси, бундай ҳужжатлар муносабатларнинг янги даражасини мустаҳкамлашини тушуниш сифатида таърифлади. Шартномаларнинг тасдиқланганлиги одамларнинг Германия билан СССР ўртасидаги ҳамкорликда юзага келган мутлақо янги тарихий жараённинг мустаҳкамлигига ишончини акс эттиради.

Форс кўрфазида урушнинг тугаши билан боғлиқ масалалар, икки томонлама иқтисодий алоқаларнинг баъзи жиҳатлари ҳам тилга олинди.

(ТАСС).

КЎЧМА МАЖЛИС

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият комплексининг кўчма мажлиси Термизда бўлиб ўтди. Унда жумҳурият Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият, Ижтимоий таъминот, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг вакиллари қатнашдилар.

Сурхондарё вилоят ижроия комитетининг ижтимоий соҳа муассасалари моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир ишлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, вилоят ижроия комитетининг раиси Т. М. Менглиев ахборот берди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тузилган тадбирлар режаси тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров сўзга чиқди.

(ЎзТАГ).

АРМИЯ КОММУНИСТЛАРИ КЕНГАШИ

6 март куни Тошкентда Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг XXXV партия конференцияси бўлиб ўтди.

Партия структураларини қайта ташкил қилиш ташкилий комитетининг раиси — округ Сиёсий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари генерал-майор И. С. Фурманов «Партия ишини янгилаш ва қайта қуриш билан боғлиқ амалий тадбирлар ҳамда коммунистларнинг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Партия ташкилотлари структураси, бюджети ва бу ташкилотлар молиявий фаолияти принциплари тўғрисидаги маърузалар, округ Сиёсий бошқармаси ҳузуридаги партия комиссиясининг 1990 йил май ойидан кейинги даврдаги иши тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

Партия конференциясида округ коммунистлари фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қилинган ишлар ҳар томонлама таҳлил этилди.

Конференцияда округ партия ташкилоти назорат комиссиясининг партия комитети, шунингдек, I Бутунармия партия конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Ҳарбий кенгаш аъзоси, пиёда қўшинлар сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-полковник Н. А. Моисеев, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко нутқ сўзладилар.

Округ партия конференцияси ишида Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби Е. И. Турғунов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Б. М. Сахатмуродов, армия генерали Н. И. Попов, Ҳарбий кенгаш аъзоси, округ Сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант А. И. Захаров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

● Ўзбекистонда дам олиш куни деб эълон қилинган Наврўз байрами бошланишига икки ҳафта қолди. Наврўзни ўтказиш жумҳурият ташкилот комитетининг мажлисида ана шу воқеага қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида гаплашиб олинди.

КЕЛАР НАВРЎЗИ ОЛАМ...

Мажлисни Ўзбекистон ССР телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси Г. Ёқубов олиб борди.

Жумҳурият пойтахтида кун ила тун тенг келадиган ана шу муборак айём ёрқин ва унутилмас байрамга айланиш кутилмоқда. Алишер Навоий номли, Халқлар дўстлиги, Хадра майдонларида, Карл Маркс хиёбонида асосий саҳна майдонлари жойлашади. Наврўз тадбирларини биринчи марта Ленин номли майдонда ҳам уюштириш таклиф қилинди. Юқорида номлари тилга олинган ерларда халқ сайлларини қандай ўтказиш мўлжалланаётгани ҳақида Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари К. Расулов ва программа бош режиссёри Р. Ҳамидов ахборот бердилар. Томошаларда қариб 80 профессионал ва бадиий ҳаваскорлик жамоаси иштирок этиши айтилди. Артистлар эрталабдан кечгача алмашиб, томошабинларни ўз концерт программалари билан таништирадилар. Байрам ана шу марказий майдонлар билангина чекланиб қолмайди, у турар жойларга, даҳаларга, мавзеларга ҳам ўтади. 300 дан ортиқ маҳалла тантаналарни ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда.

Наврўз бобокалонларимиз деҳқончилик билан эндигина шуғуллана бошлаган даврларда пайдо бўлган қадимий байрам эканлиги таъкидланди. У турли жойларда ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, турмуш шароитлари, жуғрофий жиҳатларга ҳам алоқадордир. Айни вақтда наврўзнинг умуминсоний фазилати — инсонпарварлик, оқибат, меҳр-мурувват эканлиги ҳам таъкидланди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалик, Ички ишлар вазирликларининг, жумҳурият Касаба уюшмалари федерациясининг раҳбарлари халқ байрамига тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборот бердилар. Ўзбекистон телевиденисида Наврўзга бағишлаб ўтказиладиган узлуксиз телекўрсатув тўғрисидаги ахборот ҳам тингланди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

5 март куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши халқаро ишлар комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни шу комитет раиси П. Қ. Ҳабибуллаев бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон ССР халқаро фаолиятининг асосий қоидалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Мавжуд қонунларга мувофиқ СССР давлат чет эл туризми комитети бўлимларининг хорижий сайёҳларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлари тўғрисидаги, комитетнинг 1990 йилги иш якунлари ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди. Комитетнинг шу йилги иш режаси тасдиқланди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кабинети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасидаги Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетидан

Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети маълум қиладики, шу мукофотни олиш учун тақдим этиладиган ишлар ҳар бир тоқ йилнинг 1 апрелигача қабул қилинади. Мукофотлар 1991 йилдан бошлаб берилади.

Бу йил ишлар 1991 йил 1 июнгача қабул қилинади.

Мукофотга кўрсатиш шартлари билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 70-уй, 301-хона. Телефон: 33-74-82.

ЧЕКИСТЛАР—ЎЗ ИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Чекистларнинг меҳнат жамоалари, жамоатчилик билан учрашувлари анъанага айланмоқда. Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси генерал-майор А. С. Моргасов Ўруш ва меҳнат фахрийлари республика кенгашида бўлиб ўтган учрашувда ҳозирги шароитда Давлат хавфсизлиги комитети ишидаги баъзи йўналишлар, республикадаги ҳозирги вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапириб берди. Чекистлар саноат, алоқа корхоналарида, авиация, автомобиль ва темир йўл транспортида фавқулодда воқеаларнинг олдини олиш, террорчилик, контрабанда, ғайриқонуний валюта операцияларининг пайини қирқиш юзасидан амалга ошираётган тадбирлар тўғрисида гап борди. Фахрийлар уюшган жиноятчиликка ва иқтисодий бузғунчиликка қарши кураш қандай бораётганлигидан хабардор қилинди.

(Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети жамоатчилик билан алоқалар марказа).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФУҚАРОЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Солиқ тўловчилар**

Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойига эга бўлган ва эга бўлмаган Ўзбекистон ССР фуқаролари ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (қуйида «фуқаролар» деб аталади) Ўзбекистон ССРда даромад солиғи тўловчилардир.

Солиқ солиш мақсадида Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойига эга бўлган деб қараладиган фуқаролар жумласига календарь йил давомида 183 кундан кўпроқ вақт Ўзбекистон ССРда турган фуқаролар кирадилар.

2-модда. **Солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар**

1. Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойига эга бўлган ва эга бўлмаган фуқароларнинг Ўзбекистон ССР ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон ССР ташқарисида ҳам пул ёки натура тарзида олган даромадлари солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойига эга бўлмаган фуқароларнинг даромадлари Ўзбекистон ССРдаги манбалардан олинган бўлса, бу даромадларга солиқ солиниши лозим.

2. Чет эл валютасида олинган даромадлардан солиқ тўловчининг истагига мувофиқ сўм тарзида ёки СССР давлат банки сотиб оладиган чет эл валютасида солиқ тўланади. Бунда чет эл валютасида олинадиган даромадлар СССР давлат банкининг солиқ ҳисоблаб чиқариладиган кундаги пулнинг қадри тўғрисидаги расмий маълумоти асосида сўмга айлантириб ҳисобланади.

3-модда. **Солиқ солинмайдиган даромадлар.**

1. Солиқ солинадиган даромадга қуйидагилар киритилмайди:

а) вақтинча меҳнат қобилиятидан маҳрум бўлганлик юзасидан бериладиган нафақалар (шу жумладан, бемор болани боқиш юзасидан бериладиган нафақалар)дан ташқари давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти юзасидан бериладиган нафақалар, шунингдек фуқароларга В. И. Ленин номидаги Совет болалар жамғармаси, Совет тинчлик жамғармаси, Совет маданият жамғармаси, Совет меҳр-шафқат ва сиҳат-саломатлик жамғармаси, СССР Қизил Крести ва Қизил Ярим ой жамиятлари уюшмаси, экология жамғармалари, уларнинг республика, регион ва маҳаллий бўлимларига, шунингдек бюджетдан қисман ёки тўла-тўкис пул билан таъминланадиган маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот корхоналарига, муассасаларига ва ташкилотларига ўтказиладиган пул суммаларига;

б) фуқароларнинг солиқ идоралари томонидан солиқ солиниши лозим бўлган даромадлардан ушбу банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган мақсадларга берган бадаллари суммаси тегишли календарь йил учун солиқ солиш пайтида ҳисобга олинадиган даромаддан ошмайдиган миқдорда камайтирилади;

4-модда. **Солиқ юзасидан имтиёзлар**

1. Қуйидагилар солиқ тўлашдан бутунлай озод қилинади:

а) асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида солиқ солинадиган ва йилига 1920 сўмдан ошмайдиган иш ҳақи ва бошқа турдаги пул мукофоти оладиган ишчилар, хизматчилар ва бошқа фуқаролар;

б) фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиролар, кашфиётлар ва уларнинг илк саноат нусхаларини яратганлик, нашр қилганлик, ижро этганлик ёки улардан бошқача тарзда фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи йилига 1920 сўмдан ошмайдиган фуқаролар, агар уларнинг асосий иш жойи бўлмаса;

в) тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг, деҳқон (фермер) хўжалигининг барча турларидан, шунингдек тадбиркорлик субъектларидан оладиган даромадлари йилига 1920 сўмдан ошмайдиган фуқаролар, агар уларнинг асосий иш жойи бўлмаса;

г) деҳқон хўжалигининг аъзолари, деҳқон хўжалиги ташкил этилган (рўйхатдан ўтган) йилдан бошлаб икки йил давомида — мазкур хўжаликдан оладиган даромадлари юзасидан;

д) жамоа хўжаликларининг аъзолари — ўзлари аъзо бўлган жамоа хўжаликларида бажарган ишлари учун оладиган даромадлари юзасидан;

е) муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва ўқув ёки текширув машқларига чақирилган ҳарбий хизмат ёшидаги кишилар — хизмат жойидан ёки ўқув ёҳуд текширув машқларида бўлган вақт учун оладиган маош, сутзидаги пул бундан мустаснодир;

м) СССР, Ўзбекистон ССР давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар;

н) фуқароларнинг мажбурий ва ихтиёрий суғурта юзасидан оладиган пули;

о) давлат банклари муассасаларидаги омонатлар бўйича ва СССР давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;

п) рационализаторлик таклифлари учун мукофот пули;

р) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан йилига 200 сўмгача (200 сўм ҳам шу ҳисобга киради) миқдорида олинган совғалар (буюм тарзидаги мукофотлар) қиймати, шунингдек халқаро, Бутуниттифоқ ва жумҳурият конкурслари ҳамда мусобақаларида буюм тарзида олинган совринлар қиймати;

с) табиий офатлар, бошқа фавқулодда вазиятлар муносабати билан, шунингдек СССР Вазирлар Кабинети ёки Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети ва Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши қарорлари асосида ёрдам берилган тақдирда, тўланадиган пулнинг миқдоридан қатъи назар, моддий ёрдам пули, ушбу модданинг «а» кичик бандида кўрсатилгандан бошқа ҳолларда берилган моддий ёрдам — йилига 500 сўмгача бўлган тақдирда (500 сўм ҳам шу жумлага киради);

т) корхонанинг акциялари юзасидан олинган ва шу корхонанинг ўз акцияларини сотиб олишга ишлатилган даромадлар;

у) қидирувчилар артеллари аъзоларининг олтин қазиб олиш соҳасидаги қидирувчилик фаолияти билан боғлиқ ишлар учун оладиган даромадлари.

2. Солиқ солиниши керак бўлган даромад:

а) фуқароларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан олиши лозим бўлган ва уларнинг аризаларига мувофиқ В. И. Ленин номидаги Совет болалар жамғармаси, Совет тинчлик жамғармаси, Совет маданият жамғармаси, Совет меҳр-шафқат ва сиҳат-саломатлик жамғармаси, СССР Қизил Крести ва Қизил Ярим ой жамиятлари уюшмаси ва бошқа хайрия ҳамда экология жамғармаларининг маблағларидан пул ва натура тарзида бериладиган нафақалар ва бошқа турдаги ёрдам;

б) алиментлар;

в) олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари томонидан ўз студентлари ва ўқувчиларига тайинланадиган стипендиялар, шунингдек ушбу модданинг «а» кичик бандида кўрсатилган жамғармаларнинг маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;

г) ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари бажарган иш учун мазкур билим юртлари ўқувчиларга берадиган тўловлар;

д) пенсиялар, шунингдек пенсияга қўшимчалар;

е) фуқаролар қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган пул, шунингдек медицина муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун оладиган пул;

ж) майиб бўлиш ёки бошқа тарзда саломатликка зиён етиши оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун товон тарзида олинадиган пул;

з) фуқароларни чет элга ишга юбориш муносабати билан уларга совет давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари тўлайдиган иш ҳақи ва чет эл валютасидаги бошқа пуллар;

и) фуқароларнинг мулкчилик ҳуқуқи асосида ўзларига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган пуллари, сотиш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва бошқа мол-мулкни сотишдан тушган даромадлар бундан мустаснодир;

к) фуқароларнинг шахсий ёрдамчи қишлоқ хўжалигидаги озиқ-овқат маҳсулотини сотишдан, шу жумладан корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида ёш молларни, чорвани ва паррандани боқишдан олган даромадлари;

л) мерос қилиб қолдириш ва совға қилиш натижасида олинган пул, фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи тарзидаги пул ва бошқа маблағлар юзасидан;

ж) Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Шуҳрат орденининг учала даражаси билан мукофотланган кишилар, Улуғ Ватан урушининг ногиронлари ёки СССРни ҳимоя қилиш чоғида ёҳуд ҳарбий хизматнинг бошқа хил вазифаларини бажариш чоғида ярадор бўлиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш натижасида ёҳуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касалликлар натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти жиҳатидан ҳарбий хизматчиларнинг мазкур тоифаларига тенглаштирилган бошқа ногиронлар — оладиган барча даромадлари юзасидан;

з) Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши, СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари бўлган ва ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда собиқ партизанлар, Улуғ Ватан уруши даврида меҳнат фронтининг ветеранлари оладиган барча даромадлари юзасидан;

и) ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари сафидан бўлган, хизмат вазифасини бажариш чоғида ярадор бўлганлик, контузия олганлик ёки жароҳатланганлик туфайли ногирон бўлиб қолган кишилар — оладиган барча даромадлари юзасидан;

к) болаликдан ногиронлар, шунингдек кўриш қобилиятига кўра I ва II гуруҳ ногиронлари оладиган барча даромадлари юзасидан;

л) Қаҳрамон оналар — оладиган барча даромадлари юзасидан;

м) Улуғ Ватан уруши йилларида Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда шаҳарда 1941 йилнинг 8 сентябридан 1944 йилнинг 27 январигача ишлаган фуқаролар — оладиган барча даромадлари юзасидан;

н) СССРни ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини ижро этиш чоғида ярадор бўлганлик, контузия олганлик ёки жароҳатланганлик натижасида, ёҳуд фронтда бўлганлик билан боғлиқ касалликлар натижасида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари оладиган барча даромадлари юзасидан;

о) Афғонистон республикасида вақтинча бўлган совет қўшинларининг чекланган қисми таркибида хизматни ўтаган ҳарбий хизмат ёшидаги ҳарбий хизматчилар — оладиган барча даромадлари юзасидан;

п) студентлар қурилиш отрядлари штабларининг ишонч қоғозига асосан тузилган шартномалар бўйича бажарилган ишлардан олинган даромадлар юзасидан — студентлар меҳнат отрядларининг аъзолари;

р) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришга юборилган фуқаролар — шу ишларни бажарганлик учун олинадиган даромадлар юзасидан;

2. Солиқ миқдори қуйидагиларга камайтирилади:

а) ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган ногиронлардан ташқари I ва II гуруҳ ногиронлари, — улар оладиган барча даромадлари бўйича солиқнинг 50 фоизига;

б) муддатдан ортиқ хизматдаги офицерлар, прапорщиклар, мичманлар ва ҳарбий хизматчиларга, шунингдек ички ишлар органларининг оддий хизматчи ва бошлиқлари сафидан бўлган кишилар, — СССР Вазирлар Кабинети белгилайдиган тартиб ва миқдорда бериладиган маошига;

в) қарамоғида уч ва ундан ортиқ киши бўлган фуқаролар учун барча даромадлар юзасидан 30 фоизга;

г) 16 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болали ёлғиз оналар — улар оладиган барча даромадлар бўйича солиқнинг 30 фоизига;

д) 16 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болали ҳамда боқувчисидан маҳрум бўлганлиги учун пенсия олмаётган аёл ва эркак бевалар, — улар оладиган даромадлар бўйича солиқнинг 30 фоизига;

е) болаликдан ногирон бўлиб қолган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзандини тарбияловчи отаонадан бири, — у оладиган барча даромадлар бўйича солиқнинг 30 фоизига.

3. Фуқаро бир неча асосга кўра солиқ бўйича имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса, унга ана шу имтиёзларнинг миқдор жиҳатдан кўпроқ енгиллик берадиганидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

4. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталари айрим солиқ тўловчиларнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, уларни даромад солиғидан озод қилиш, шунингдек айрим солиқ тўловчилар учун солиқ миқдорини камайтириш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Қонуннинг ушбу моддасида санаб ўтилган фуқароларнинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда тасдиқланади, бу ҳужжатларнинг рўйхати Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Фуқароларнинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тегишли ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан бошлаб юзага келади.

6. Ушбу моддада назарда тутилган солиқ бўйича имтиёзлар патент асосида якка тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларга ҳам патент учун ҳақ тўлаш чоғида берилади.

5-модда. **Икки ёқлама солиқ солишни бекор қилиш**

Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойи бўлган кишилар чет элда оладиган даромадлар Ўзбекистон ССРда солиқ солинадиган даромадлар жумласига киритилади.

Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойи бўлган, Ўзбекистон ССРда даромад солиғини тўловчи кишилар чет давлатлар қонунларига мувофиқ хорижда тўлаган даромад солиқлари Ўзбекистон ССРда даромад солиғини тўлаш пайтида ҳисобга олинади. Бунда чет элда тўланадиган солиқларнинг миқдори Ўзбекистон ССРда тўланадиган солиқ миқдоридан ошмаслиги лозим.

6-модда. **Халқаро шартномалар**

СССРнинг халқаро шартномаси ва Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномасида солиқ солишга оид қоидаларда Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидаси қўлланади.

II БОБ. ФУҚАРОЛАР ОЛАДИГАН ИШ ҲАҚИ, ТУЛОВЛАР, МУКОФОТЛАР ВА БОШҚА ДАРОМАДЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ

7-модда. **Солиқ тўловчилар тоифалари ва солиқ солинадиган объектлар**

Қонуннинг ушбу боби қоидаларига мувофиқ қуйидагилар солиқ тўлашга жалб этилади:

а) ишчилар ва хизматчилар — улар меҳнат вазифаларини бажаришдан олган иш ҳақи миқдори, мукофотлар ҳамда бошқа ҳар қандай мукофотлар ва тўловлардан, шунингдек меҳнат коллективлари акциялари бўйича дивидендлар тарзида олинадиган пуллардан ва корхона, муассаса, ташкилот олган фойда (даромад)ни тақсимлаш натижасида олинадиган бошқа даромадлардан тушадиган фойда миқдоридан;

б) солиқ тўловчиларнинг солиқ солиш юзасидан ишчи ва хизматчиларга тенглаштирилган тоифалари;

ишлаб чиқариш кооперативлари (колхозлардан ташқари)нинг аъзолари ва уларда меҳнат шартномалари асосида ишлаётган ишчилар, — ана шу кооперативлар тўлайдиган даромадлардан;

Ўзбекистон ССР ҳудудида совет ва чет эл ташкилотлари, фирмалари ва бошқарув органлари иштирокида ташкил этиладиган қўшма корхоналарда, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларда, чет эл фирмалари, банклари ва уларнинг ваколатхоналарида ишлайдиган фуқаролар, — улар меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа хил мукофот ва тўловлар миқдоридан;

офицерлар сафидан бўлган шахслар, прапоршчиклар, мичманлар ва муддатидан ортиқ хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар — пул тўловларидан;

адвокатлар — ҳуқуқий маслаҳатхоналардаги иши учун оладиган мукофотлар миқдоридан;

в) диний ташкилотлар ва уларнинг корхоналаридан даромад оладиган фуқаролар;

г) илгари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаган фуқаролар — ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олган фойда (даромад)ни тақсимлаш натижасида оладиган пулдан;

д) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар штатларида турмайдиган фуқароларнинг пудрат шартномаси асосида амалга ошириладиган бир марталик ва бошқа ишларни бажарганлиги учун бу корхона, муассаса ва ташкилотлардан оладиган иш ҳақи ҳамда пул ва натура шаклидаги бошқа даромадларидан;

е) моддий ёрдам пуллари (ушбу Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилгандан ташқари);

ж) тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, шунингдек тадбиркорлик субъектлари билан уларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузган шахслар;

з) иморат, квартира, хоналар ва бошқаларни (пансион хизмат кўрсатишдан ташқари), гаражлар, автомашина ва бошқа мол-мулк ва кўчмас мулкни ёллаб олиш ва ижарага беришдан даромад оладиган фуқаролар;

и) банк муассасаларидаги омонатлар бўйича фоизлар ва ютуқлар шаклида даромад оладиган фуқаролар, ушбу Қонуннинг 1-бандидаги «м» ва «о» кичик бандларида санаб ўтилган даромадлар бундан мустаснодир;

к) СССРда доимий истиқомат қилувчи фуқаролар чет элда ва чет элдан оладиган даромадлари бўйича;

л) фуқароларнинг Қонуннинг ушбу моддаси «а-к» кичик бандларида кўрсатилмаган барча бошқа даромадлари;

м) ушбу Қонун 8-моддасининг 3-бандида кўрсатиб ўтилган фуқароларнинг даромадлари.

8-модда. **Солиқ ставкалари**

1. Ушбу Қонуннинг 7-моддаси «а-в» бандларида санаб ўтилган фуқароларнинг иш ҳақи, тўловлари, мукофотлари ва бошқа даромадларидан қуйидаги миқдорда солиқ ундирилади:

Йиллик даромад миқдори	Солиқ миқдори
1921 сўмдан 2400 сўмгача	1920 сўмдан ортиқ ҳар сўмдан 30 тийин
2401 сўмдан 3600 сўмгача	144 сўм+2400 сўмдан ортиқ пулнинг 13,0 фоизи
3601 сўмдан 6000 сўмгача	300 сўм+3600 сўмдан ортиқ пулнинг 14,0 фоизи
6001 сўмдан 12000 сўмгача	636 сўм+6000 сўмдан ортиқ пулнинг 15,0 фоизи
12001 сўмдан 18000 сўмгача	1536 сўм+12000 сўмдан ортиқ пулнинг 20,0 фоизи
18001 сўмдан 24000 сўмгача	2736 сўм+18000 сўмдан ортиқ пулнинг 30,0 фоизи
24001 сўмдан 36000 сўмгача	4536 сўм+24000 сўмдан ортиқ пулнинг 40,0 фоизи
36001 сўм ва ундан ортиқ пулдан	9336 сўм+36000 сўмдан ортиқ пулнинг 50 фоизи

2. Мазкур Қонуннинг 7-моддасидаги «г-л» бандларида санаб кўрсатилган фуқароларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларидан солиқ қуйидаги миқдорларда ундирилади:

Йиллик даромад миқдори	Солиқ миқдори
2400 сўмгача	даромаднинг 6 фоизи
2401 сўм ва ундан ортиқ пулдан	Қонуннинг мазкур моддасидаги 1-бандда кўрсатилган ставкалар бўйича

3. Қонуннинг мазкур моддаси қоидаларига мувофиқ қуйидагиларга солиқ солинади:

а) фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларига, уларнинг ҳуқуқий ворислари ва меросхўрларига — ана шу асарларни яратганлик, нашр этганлик, бажарганлик ёки улардан бошқача тарзда фойдаланганлик ёҳуд ана шу асарлардан фойдаланиш ҳуқуқини берганлик юзасидан;

б) фан, адабиёт ва санъат асарлари таржималарининг муаллифлари, уларнинг ҳуқуқий ворислари ва меросхўрлари — муаллифлик мукофоти пуллари юзасидан;

в) кашфиётлар, ихтиролар ва уларнинг илк саноат намуналарининг муаллифларига, уларнинг ҳуқуқий ворислари ва меросхўрларига — мукофот пуллари юзасидан;

г) фан, адабиёт ва санъат асарларини таҳрир ва тақриз қилувчи фуқароларга — муаллифлик мукофоти пуллари юзасидан;

д) муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунларга мувофиқ муаллифлик мукофоти олувчи бошқа фуқароларга, — муаллифлик мукофоти пуллари юзасидан.

Мукофот пулларидан қуйидаги миқдорларда солиқ ундирилади:

а) мукофот белгиланган ставкалар бўйича тўланган тақдирда:

Йиллик даромад миқдори	Солиқ миқдори
2400 сўмгача	мукофот (даромад) миқдоридан 6 фоиз
2401 сўмдан 3600 сўмгача	144 сўм+2400 сўмдан ортиқ пулнинг 13,0 фоизи
3601 сўмдан 6000 сўмгача	300 сўм+3600 сўмдан ортиқ пулнинг 14,0 фоизи
6001 сўмдан 12000 сўмгача	636 сўм+6000 сўмдан ортиқ пулнинг 15,0 фоизи
12001 сўмдан 18000 сўмгача	1536 сўм+12000 сўмдан ортиқ пулнинг 20,0 фоизи
18001 сўм ва ундан ортиқ пулдан	2736 сўм+18000 сўмдан ортиқ пулнинг 30,0 фоизи

б) мукофот белгиланган ставкалар бўйича тўланмаган тақдирда, солиқ Қонуннинг мазкур моддаси 2-бандидаги кўрсатилган ставкалар бўйича ундирилади.

4) Муаллифларнинг ворисларига такрорий (бир неча бор) тўланган мукофотдан солиқ қуйидаги миқдорларда ундирилади...

Йиллик даромад миқдори	Солиқ миқдори
500 сўмгача	даромад миқдорининг 60,0 фоизи
501 сўмдан 1000 сўмгача	300 сўм+500 сўмдан ортиқ пулнинг 65,0 фоизи
1001 сўмдан 3000 сўмгача	625 сўм+1000 сўмдан ортиқ пулнинг 70,0 фоизи
3001 сўмдан 6000 сўмгача	2025 сўм+3000 сўмдан ортиқ пулнинг 75,0 фоизи
6001 сўмдан 10000 сўмгача	4275 сўм+6000 сўмдан ортиқ пулнинг 80,0 фоизи
10001 сўмдан 15000 сўмгача	7475 сўм+10000 сўмдан ортиқ пулнинг 85,0 фоизи
15001 сўм ва ундан ортиқ пулдан	11725 сўм+15000 сўмдан ортиқ пулнинг 90 фоизи
18 ёшга етмаган ворислар, 55 ёшдан ошган аёл ва 60 ёшдан ошган эркак ворислар учун солиқ миқдори 50 фоиз камайтирилади.	тўланадиган йилдаги бошқа даромадлар (иш ҳақи) бирга қўшилиб, йилларга тақсимламай солиқ солинади.

9-модда. **Солиқ солинадиган даромад таркибига қўшилмайдиган пуллар**

Қуйидагилар солиқ солинадиган даромад таркибига қўшилмайди:

а) амалдаги қонунларга мувофиқ ишдан бўшаш вақтида тўланадиган нафақалар;

б) СССР ва Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунларида кўзда тутилган нормалар доирасидаги компенсация тўловлари, ишдан бўшаш вақтида фойдаланилмаган отпуска учун бериладиган компенсация бундан мустаснодир;

в) бепул бериб қўйиладиган уй-жой бинолари ва коммунал хизматлар ўрнига амалдаги қонунларга мувофиқ тўланадиган пул;

г) СССР Вазирлар Кабинетининг ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинетининг тегишли қарорларида кўзда тутилган натура ҳолида бериладиган озиқ-овқат қиймати, шунингдек шу озиқ-овқат ўрнига тўланадиган пул;

д) ижодий фаолият, тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишдан даромад олиш билан боғлиқ харажатлар.

Ана шу даромадларни олиш билан боғлиқ харажатлар туркумига моддий харажатлар, асосий ишлаб чиқариш фондларини тўла қайта тиклашга амортизация ажратмалари, ижара ҳақи, фуқароларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида тузилган шартномага мувофиқ уларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ харажатлари, давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар, мажбурий мулк суғуртаси бўйича тўловлар, банкларнинг қисқа муддатли кредитлари учун фоиз тўлови (тўлов муддати узайтирилган ва кечиктирилган фоизлардан ташқари), шунингдек асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳамма турдаги ремонти учун қилинадиган харажатлар қўшилади.

10-модда. **Иқлим шароитлари оғир бўлган жойлардаги иш учун тўловларга солиқ солиш миқдори**

Иқлим шароити оғир бўлган жойлардаги иш учун СССР ва Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган коэффициентлар (район коэффициентлари, баланд тоғ, чўл ва сувсиз районлардаги иш учун коэффициентлар) иш ҳақига қўшиб ёзиладиган ва тўланадиган пулдан ҳамда мазкур жойлардаги иш стажи учун қўшимча ҳақдан 13 фоиз ставка бўйича солиқ ундириб олинади.

11-модда. **Корхона ва ташкилотлар тугатилган пайтда солиқ солинадиган даромадни белгилаш тартиби**

Фуқароларнинг тугатиладиган корхона ва ташкилотлардан оладиган жами даромадларига, шу жумладан шу корхона ва ташкилотларнинг мол-мулки сотилиши муносабати билан фуқароларга тўланадиган даромадлар миқдорига — шу даромадлар вофиқ муаллифлик мукофоти олувчи бошқа фуқароларга, — муаллифлик мукофоти пуллари юзасидан.

Мукофот пулларидан қуйидаги миқдорларда солиқ ундирилади:

а) мукофот белгиланган ставкалар бўйича тўланган тақдирда:

Йиллик даромад миқдори	Солиқ миқдори
2400 сўмгача	мукофот (даромад) миқдоридан 6 фоиз
2401 сўмдан 3600 сўмгача	144 сўм+2400 сўмдан ортиқ пулнинг 13,0 фоизи
3601 сўмдан 6000 сўмгача	300 сўм+3600 сўмдан ортиқ пулнинг 14,0 фоизи
6001 сўмдан 12000 сўмгача	636 сўм+6000 сўмдан ортиқ пулнинг 15,0 фоизи
12001 сўмдан 18000 сўмгача	1536 сўм+12000 сўмдан ортиқ пулнинг 20,0 фоизи
18001 сўм ва ундан ортиқ пулдан	2736 сўм+18000 сўмдан ортиқ пулнинг 30,0 фоизи

4) Муаллифларнинг ворисларига такрорий (бир неча бор) тўланган мукофотдан солиқ қуйидаги миқдорларда ундирилади...

Йиллик даромад миқдори	Солиқ миқдори
500 сўмгача	даромад миқдорининг 60,0 фоизи
501 сўмдан 1000 сўмгача	300 сўм+500 сўмдан ортиқ пулнинг 65,0 фоизи
1001 сўмдан 3000 сўмгача	625 сўм+1000 сўмдан ортиқ пулнинг 70,0 фоизи
3001 сўмдан 6000 сўмгача	2025 сўм+3000 сўмдан ортиқ пулнинг 75,0 фоизи
6001 сўмдан 10000 сўмгача	4275 сўм+6000 сўмдан ортиқ пулнинг 80,0 фоизи
10001 сўмдан 15000 сўмгача	7475 сўм+10000 сўмдан ортиқ пулнинг 85,0 фоизи
15001 сўм ва ундан ортиқ пулдан	11725 сўм+15000 сўмдан ортиқ пулнинг 90 фоизи
тўланадиган йилдаги бошқа даромадлар (иш ҳақи) бирга қўшилиб, йилларга тақсимламай солиқ солинади.	

12-модда. **Фуқароларнинг асосий иш жойидаги меҳнат ҳақи ва бошқа даромадларидан солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби**

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тўланадиган иш ҳақларидан ҳамда пул ва натура тарзидаги бошқа даромадлардан солиқ иш ҳақи ва даромадларни тўлайдиган жойда ўртача ойлик даромад бўйича ҳисоблаб чиқилади ва ушлаб қолинади. Ойлик ўртача даромаддан олинадиган солиқ миқдори ушбу Қонун 8-моддасининг 1 ва 2-бандларида белгиланган солиқ ставкаларига асосланган ҳолда Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Йил тамом бўлганидан кейин тугаган йилдаги меҳнат ҳақининг умумий суммасига ва тўланган бошқа ҳақларга қараб солиқ қайтадан ҳисоблаб чиқилади.

Йил мобайнида иш жойида тўланган меҳнат ҳақи ва бошқа даромадлардан ушлаб қолинган солиқ суммаси якуний ҳисоб-китобда ҳисобга қўшилади.

13-модда. **Асосий иш жойидан бошқа ерда олинган даромадларга ва бошқа тўловларга солиқ солиш ва уни тўлаш тартиби**

1. Ўриндошлик юзасидан қилинган иш ва бажарилган бир галлик иш учун олинадиган иш ҳақи ва асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан бошқа ерда олинган даромадлар ҳамда тўловлар миқдорида солиқ ушбу Қонун 8-моддасининг 2-бандида кўзда тутилган ставкаларга мувофиқ ушлаб қолинади.

2. Ўзининг асосий иш жойидан (хизмат, ўқиш) бошқа жойга ўриндошлик бўйича ишга киришда, шунингдек пудрат шартномасига мувофиқ бир галлик ва бошқа ишларни амалга оширишда (бир марта ҳақи тўланадиган, узоғи билан 5 кунга чўзиладиган қисқа вақтли бир галлик ишлар, бундай ишлар календарь йилда нечта бўлишидан қатъи назар) фуқаролар асосий иш жойи (хизмати, ўқиши) ҳақида маълумотнома тақдим этишга мажбурдирлар.

Асосий иш жойи (хизмати, ўқиши) ўзгарган тақдирда, фуқаролар бир ой муддат ичида ўриндошлик бўйича ишлаётган ёки пудрат шартномасига мувофиқ бошқа ишлар бажараётган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига асосий иш жойининг ўзгарганлиги тўғрисида маълумот тақдим этишга мажбурдирлар.

3. Асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан бошқа ерда ўриндошлик юзасидан қилинган иш, пудрат шартномасига мувофиқ бажарилган бир галлик ва бошқа ишлар учун тўланадиган пулнинг жами миқдори ва шу тўловлардан ушлаб қолинадиган солиқ миқдори ҳақида шу пулни тўлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар пул тўланганидан кейинги ойдан кечиктирмай даромад олувчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойига хабар қилиши лозим. Шундай маълумот олингач, асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерия тегишли ой учун асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан олган ва ўриндошлик юзасидан қилган иши учун умумий иш ҳақининг йиғиндисини ҳисобга олиб, ушбу Қонуннинг 8-моддасида кўзда тутилган ставкаларга биноан солиқни қайтадан ҳисоблаб чиқиши керак.

Қайта ҳисоб-китоб натижаларига кўра фуқародан қўшимча ҳисоблаб ёзилган солиқ ундириб олинади ёки ортиқча ушлаб қолинган пул унга қайтариб берилади.

14-модда. **Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик, нашр қилганлик, ижро этганлик ёки улардан бошқа тарзда фойдаланганлик учун муаллифга тўланадиган ҳақ, шунингдек, кашфиётлар, ихтиролар ва уларнинг илк саноат намуналари муаллифларига тўланадиган ҳақ миқдорига солиқ солиш ва уни тўлаш тартиби**

1. Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик, нашр қилганлик, ижро этганлик ва улардан бошқача тарзда фойдаланганлик учун муаллифга тўланадиган ҳақ, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва уларнинг илк саноат намуналари муаллифларига тўланадиган ҳақ миқдоридан олинадиган солиқ йил давомида ҳисоблаб чиқарилади ва ушбу Қонун 8-моддасининг 3-бандидаги ставкаларга мувофиқ даромад тўланадиган жойда бевосита ушлаб қолинади. Шундан кейин ҳар сафар даромад тўлаш пайтида шу йил мазкур тўлов жойида берилган тўловларнинг умумий миқдорига биноан солиқ қайтадан ҳисобланади.

Йил тугагач, фуқаролар (муаллифларнинг ворисларидан ташқари) 1 мартдан кечикмай истиқомат жойидаги солиқ идорасига ўтган йили амалда олган даромадлари тўғрисида декларация тақдим этишга мажбурдирлар. Айни пайтда календарь йил давомида бир марта мукофот олган фуқаролар даромадлари тўғрисида декларация тақдим этмайдилар.

2. Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, нашр қилиш, ижро этиш ёки улардан бошқача тарзда фойдаланиш юзасидан шартномалар бўлган тақдирда ушбу шартнома ҳисобига аванс тарзида тўланадиган мукофотлар узил-кесил ҳисоб-китоб пайтида жамланади ва солиқ солиш мақсадида шартнома амал қилган йилларга тақсимланади.

Бундай шартнома бўлмаган тақдирда, башарти асарни яратганлик ёки унинг биринчи нашри учун бериладиган ҳақ 12000 сўмдан ошиб кетса, бу пул тўловчининг аризасига мувофиқ уч йилга тақсимланади.

Кашфиётлар, ихтиролар ва уларнинг илк саноат намуналаридан фойдаланилган дастлабки йил давомида уларнинг муаллифлари оладиган ҳақ миқдорига нисбатан ҳам ана шундай тартиб қ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФУҚАРОЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

тўлаш учун солиқ идорасининг тўлов ҳақидаги хабарномаси олинган кундан бошлаб фуқароларга уч ой вақт берилади. Йил давомида ортиқча тўланган солиқни бюджетдан қайтариш зарур бўлган тақдирда ана шу пул фуқароларга солиқ идоралари томонидан йиллик даромад тўғрисидаги декларация олинганидан кейин узоғи билан икки ой ичида қайтарилиши лозим.

Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ декларация тақдим этишдан озод қилинган фуқаролар йил давомида ортиқча ушлаб қолинган солиқ уларга қайтариб берилиши учун бу ҳақда доимий истиқомат жойидаги солиқ идорасига ариза беришлари шарт.

15-модда. **Бошқа даромадлардан солиқни ҳисоблаб чиқиш ва уни тўлаш тартиби**

1. Қонуннинг ушбу моддасида кўрсатилган тартибда тадбиркорлик, якка тартибдаги ва бошқа фаолиятнинг барча турлари билан шуғулланадиган фуқароларга; банк муассасаларидаги омонат бўйича фоиз ва ютуқ шаклида даромад оладиган Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат қилувчи фуқароларга (муаллифлик мукофотлари ҳамда уларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган тўловлар суммаси бундан мустасно); фуқароларнинг ушбу Қонуннинг 12, 13 ва 14-моддаларида кўрсатилмаган барча бошқа даромадларига солиқ солинади.

2. Ялпи даромад (пул ва натура шаклидаги) ҳамда даромад қилиш билан боғлиқ бўлган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар ўртасидаги тафовут солиқ ундириладиган даромад ҳисобланади.

3. Солиқ тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг ҳамма турларидан олинадиган умумий даромаддан ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқни солиқ тўловчининг доимий истиқомат жойидаги солиқ идоралари солади, агар фаолият бошқа жойда амалга оширилса, фаолият амалга ошириладиган жойдаги солиқ идоралари томонидан солиқ солинади, лекин даромад ва солиқ миқдори тўғрисида солиқ тўловчининг доимий истиқомат жойидаги солиқ идорасига хабар қилиниши шарт.

4. Қонуннинг ушбу моддасида кўрсатилган ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлайдиган даромад солиғи ушбу Қонуннинг 8-моддаси ва ушбу Қонуннинг 8-моддасининг 2-бандидаги ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқилади. Ҳар гал навбатдаги тўлов чоғида солиқ қайта ҳисоб-китоб қилинади, бунда жорий йилда ушбу тўлов макони бўйича тўланган умумий суммага асосланилади.

5. Солиқ қуйидаги тартибда тўланади:

а) солиқ тўловчи ҳар бир кварталда олдинги йил даромадларига қараб ҳисоблаб чиқилган йиллик солиқ миқдорининг 25 фоизини тўлайди, солиқ тўлашга биринчи бор жалб этилган тўловчилар эса солиқ идоралари уларнинг жорий йилдаги тахминий даромадларидан ҳисоблаб чиқарган миқдорнинг 25 фоизини тўлайдилар.

Йил давомида солиқ тўловчининг даромадлари анча кўпайган ёки камайган тақдирда солиқ тўлаш муддати келмаган давр учун солиқ миқдори қайтадан ҳисоблаб чиқилиши мумкин;

б) йил тугаганидан сўнг солиқнинг йиллик миқдори ҳақиқатда олинган даромаддан ҳисоблаб чиқарилади ва ана шу миқдор билан йил давомида тўланган сумма ўртасидаги фарқ солиқ тўловчидан келгуси йилнинг 15 мартидан кечиктирмай ундириб олинади ёки қайтариб берилади, даромад манбаи барҳам топган тақдирда эса — 15 кун муддат ичида ҳисоб-китоб қилинади.

6. Қонуннинг мазкур моддасида кўрсатилган солиқ тўловчиларга қуйидаги асосларда:

а) солиқ тўловчиларнинг йил давомида олган ҳақиқий даромадлари тўғрисидаги келгуси йилнинг 15 январигача тақдим этиладиган декларация асосида солиқ солинади.

Йил давомида даромад манбалари пайдо бўлган тақдирда фуқаролар даромад манбаи пайдо бўлган кундан бошлаб бир ой ўтгач 5 кун муддат ичида декларация топширадилар, унда фаолиятнинг биринчи ойидаги ҳақиқий даромад миқдори ва йил охиригача фараз этилган даромад миқдори кўрсатилади.

Даромад манбаи барҳам топган тақдирда даромад манбаи барҳам топган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида декларация топширилади.

б) солиқ идораларининг фуқаролар фаолиятини ҳамда солиқ тўловчиларнинг даромадлари тўғрисидаги бошқа мавжуд маълумотларни текширишига оид материаллар асосида солиқ солинади.

7. Солиқлар 15 мартгача, 15 майгача, 15 августгача ва 15 ноябргача бўлган муддатларда тўланади.

8. Оила аъзоларидан ҳар бирининг ҳамда меҳнат ҳўжалигини биргаликда олиб борувчи ва умумий улушбай мулк асосида ўз мол-мулкига эга бўлган бошқа шахсларнинг даромадлари уларнинг ўзаро келишувига мувофиқ аниқланади, бу ҳақда даромад тўғрисида солиқ идорасига тақдим этиладиган декларацияда кўрсатилади.

9. Тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларга ҳақ тўлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўзлари жойлашган ердаги солиқ идораларига фуқароларга тўлаган суммалари ҳақида ҳар ойда ёзма маълумот беришлари шарт. Бу маълумотларни даромадларни тўлаган корхона, муассаса ва ташкилот жойлашган ердаги солиқ идоралари солиқни тўғри ва тўла солиш мақсадида ҳисобга олиш учун даромад олувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги солиқ идораларига юборадилар.

10. Ўз меҳнатидан фойдаланиш ҳақида тадбиркорлик субъектлари билан шартнома тузган фуқаролардан даромад солиғи ана шу фуқароларга иш ҳақи тўланаётган пайтда ушлаб қолинади. Фуқароларнинг асосий иш жойи бўлмаса, солиқ ушбу Қонун 8-моддасининг 1-бандидаги ставкалар бўйича ёки фуқароларнинг асосий иш жойи бўлса, 8-модданинг 2-бандидаги ставкалар бўйича ушлаб қолинади.

Солиқ пули ушбу модданинг 7-бандида кўрсатилган навбатдаги тўлов муддати бошланиши биланоқ ўтказилади.

16-модда. **Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ҳисобланган солиқ миқдорини бюджетга ўтказиш тартиби**

1. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар банк муассасаларидан фуқароларга тегишли ҳақ тўлаш учун маблағ олиш билан бир вақтда ҳисоблаб ёзилган солиқ миқдорини бюджетга ўтказадилар.

Маҳсулот сотишдан ва хизмат кўрсатишдан тушган пулдан иш ҳақи тўлайдиган ташкилотлар солиқнинг ҳисоблаб ёзилган миқдорини иш ҳақи тўланган куннинг эртасига банк муассасасига топширадилар.

2. Фуқароларнинг маошларидан олинадиган солиқни корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан тўлаш тақиқланади.

III БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИ ЮРИТИШДАН ОЛГАН ДАРОМАДЛАРИДАН СОЛИҚ УНДИРИШ

17-модда. **Солиқ тўловчиларнинг тоифалари ва солиқ солиш объекти**

Деҳқон хўжалигини юритаётган фуқаро ёки биргаликда деҳқон хўжалигини юритаётган фуқаролар, яъни қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан банд бўлган хўжалик Қонуннинг ушбу бобида кўрсатилган тартибда ва миқдорда солиқ тўлайди.

Ялпи даромад (пул ва натура шаклидаги) ҳамда даромад олиш билан боғлиқ бўлган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар ўртасидаги фарқ солиқ солинадиган даромад ҳисобланади.

Моддий харажатлар, асосий ишлаб чиқариш фондларини тўла тиклаш учун кетадиган амортизация ажратмалари, ижара ҳақи, ўз меҳнатларидан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузган фуқароларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун кетган сарф-харажатлар, давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар, мол-мулкни мажбурий суғурта қилишга тўловлар, банкдан олинган қисқа муддатли кредитлар учун фоизлар тўлови (тўлов муддати ўтиб кетган ва кечиктирилган қарзлар фоизидан ташқари), шунингдек асосий ишлаб чиқариш фондлари ремонтининг барча турларига доир харажатлар даромад олиш билан боғлиқ харажатлар таркибига киради.

18-модда. **Солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби**

1. Ушбу Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган фуқаролар мустақил равишда йил давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан ёки хизмат кўрсатишдан тушум олинган ойдан кейин келадиган ойнинг 10-кунига қадар бюджетга ойлик даромаднинг 10 фоизи миқдорида солиқ тўлаб борадилар. Солиқ деҳқон хўжалиги аъзоларининг топшириғига мувофиқ улардан бири томонидан тушумнинг жами миқдори ҳисобидан тўланади.

Бир йиллик солиқнинг узил-кесил миқдорини келгуси йилнинг 1 мартига қадар тақдим этиладиган йил давомида олинган ҳақиқий даромад ҳақидаги декларация асосида солиқ идораси белгилайди. Бунда деҳқон хўжалиги ҳар бир аъзосининг солиқ солинадиган йиллик даромади миқдори улар ўртасидаги келишувга мувофиқ аниқланиб, бу ҳақда декларацияда уқтириб ўтилади.

Солиқнинг камини тўлаш, бинобарин тегишли ҳолларда йил давомида ортиқча тўланган солиқни қайтариб бериш келгуси йилнинг 1 апрелидан кечиктирилмайди.

2. Деҳқон хўжалигида ўз меҳнатидан фойдаланиш ҳақида шартнома тузган фуқаролардан даромад солиғи шартнома тузган деҳқон хўжалиги аъзоси томонидан ана шу фуқароларга иш ҳақини тўлаш чоғида ушлаб қолинади. Деҳқон хўжалигида ишлаётган фуқароларнинг асосий иш жойи бўлмаган тақдирда солиқ ушбу Қонун 8-моддасининг 1-бандидаги ставкаларга мувофиқ, агар уларнинг асосий иш жойи бўлса, 8-моддасининг 2-бандидаги ставкаларга мувофиқ ушлаб қолинади. Солиқларни бюджетга ўтказиш ойлик тушумдан аванс солиқ тўлашнинг навбатдаги муддати бошланган пайтда амалга оширилади.

IV БОБ. АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

19-модда. **Солиқ солинадиган даромадни аниқлаш**

1. Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (қуйида «ажнабий жисмоний шахслар» деб юритилади) солиқ солинадиган даромади Ўзбекистон ССР фуқароларининг солиқ солинадиган даромадига бўлгани каби тартибда аниқланади. Ажнабий жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларини аниқлаш чоғида унга:

а) СССРда яшаши муносабати билан тўланадиган қўшимча ҳақ миқдори;

б) болаларни мактабда ўқитиш, овқатлантириш, солиқ тўловчилар оиласи аъзоларининг отпуска вақтидаги кира ҳақлари ва шу каби мақсадлардаги сарф-харажатларини қоплаш учун тўланадиган пул миқдори ҳам киради.

2. Солиқ солинадиган даромад таркибига:

а) ажнабий жисмоний шахсни ёлловчининг давлат ижтимоий суғурта ва пенсия таъминоти жамғармаларига ўтказадиган пул миқдори;

б) хизмат мақсадлари учун уй-жой биносини ижарага олиш ва автомобиль сақлаб туриш учун харажатларни қоплашга тўланадиган пул миқдори;

в) хизмат сафари харажатлари миқдори киритилмайди.

20-модда. **Солиқ солиш миқдори**

Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойига эга ажнабий жисмоний шахслар деб қараладиганларнинг даромадларига Ўзбекистон ССР қонунларида Ўзбекистон ССР фуқароларининг худди шундай даромадларига нисбатан кўзда тутилган миқдорларда даромад солиғи солинади.

Шахсий кампаниялар эгаларининг даромадларига ушбу Қонун 8-моддасининг 1-бандида кўзда тутилган миқдорларда солиқ солинади.

21-модда. **Солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби**

1. Солиқ солиш мақсадларида Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойига эга ва Ўзбекистон ССРдан ташқаридаги манбалардан даромад олувчи деб қараладиган ажнабий жисмоний шахслар ушбу моддада белгилаб қўйилган тартибда даромадлар тўғрисида декларация тақдим этадилар.

Солиқ солиш мақсадларида Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойига эга ва ушбу Қонуннинг II—III боблари билан тартибга солинадиган даромад олувчи деб қараладиган ажнабий жисмоний шахслар тегишли бобларда белгилаб қўйилган тартибда даромадлар тўғрисида декларация тақдим этадилар.

2. Амалда олинган даромад тўғрисидаги декларация ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартига қадар ажнабий жисмоний шахс фаолиятини амалга ошираётган ёки истиқомат қиладиган жойдаги солиқ идорасига тақдим этилади.

Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойига эга деб қараладиган ажнабий жисмоний шахс жорий йилдаги кўзда тутилаётган даромадлари ҳақидаги декларацияни Ўзбекистон ССРга келган кундан бошлаб бир ой давомида тақдим этади.

Ажнабий жисмоний шахснинг фаолияти календарь йил давомида тўхтаган ва у Ўзбекистон ССРдан чиқиб кетган тақдирда амалда олинган даромад тўғрисидаги декларация у жўнаб кетишидан камида бир ой олдин топширилиши керак.

3. Ажнабий жисмоний шахсларнинг даромадларига уларнинг даромадлар тўғрисидаги декларацияси асосида солинадиган даромад солиғи Ўзбекистон ССРда солиқ тўловчининг фаолияти амалга ошириладиган ёки яшайдиган жойдаги солиқ идораси томонидан ҳисоблаб чиқилади. Солиқ идораси тўловчига юборадиган тўлов хабарномаси солиқ тўлаш учун ҳужжат ҳисобланади.

Кўзда тутилаётган даромадлар тўғрисидаги декларация асосида солиқ тўловчи учун у тўлаши лозим бўлган солиқнинг аванс миқдори унинг солиқ мажбуриятларининг 75 фоизи миқдорида ҳисоблаб чиқилади; солиқ миқдорини қайтадан ҳисоблаб чиқиш ҳақиқий даромадлар тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Жорий йил солиғи баравар миқдорда уч бўлиб — 15 майгача, 15 августгача ва 15 ноябргача тўланади. Ҳисобот йили учун қайта ҳисоблаб чиқилган солиққа қўшимча тўлов хабарномаси ёзилган кундан бошлаб бир ой давомида тўланади. Солиқнинг ортиқча тўланган миқдори солиқ тўловчининг хоҳишига кўра унга қайтариб берилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

4. Ўзаро келишув асосида ажнабий жисмоний шахслардан даромад солиғи ундириш тўхтатилиши ёки чеклаб қўйилиши мумкин, қачонки тегишли хорижий давлатда Ўзбекистон ССР фуқароларига нисбатан шундай тадбир амалга оширилаётган бўлиб, бу ҳол ана шу хорижий давлатнинг солиқ идоралари томонидан тасдиқланган бўлса.

Ушбу бандни қўллаш тўғрисидаги кўрсатмалар Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги томонидан берилади.

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ДОИМИЙ ИСТИҚОМАТ ЖОЙИГА ЭГА БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ МАНБАЛАРДАН ОЛАДИГАН ДАРОМАДЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ

22-модда. **Солиқ солиш миқдорлари**

Ўзбекистон ССРда доимий истиқомат жойига эга бўлмаган шахслар Ўзбекистон ССРдаги манбалардан оладиган даромадларидан (ушбу Қонун 7-моддасининг «а», «б», «в», «г», «д», «е» бандларида кўрсатилган даромадлардан ташқари) олинадиган солиқ даромадни тўлаш манбаида 20 фоиз ставка бўйича ушлаб қолинади.

Солиқнинг мазкур ставкаси ушбу Қонуннинг 6-моддаси ва 21-моддасининг 4-банди қоидаларида бошқа ҳол кўзда тутилмаган бўлса қўлланади.

Ушбу Қонун 7-моддасининг «а», «б», «в», «г», «д» ва «е» бандларида кўрсатилган даромадлардан уларда келтирилган ставкалар бўйича солиқ ушлаб қолинади.

VI БОБ. УШБУ ҚОНУНГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

23-модда. **Фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вазифалари**

1. Ушбу Қонунга мувофиқ солиқ солинадиган фуқаролар:

а) солиқ идораларига ушбу Қонунда кўзда тутилган ҳолларда Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги белгилаб берадиган шаклларда даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги декларация, декларацияда кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини тасдиқловчи бошқа зарур ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этиши, шунингдек солиқ солинадиган даромадларни ва ана шу даромадларни олиш, билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳисобга олиб бориши;

б) солиқ имтиёзлари ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатиши, тегишли ҳолларда эса бундай ҳужжатларни тақдим этиши;

в) солиқ идоралари тақдим этган солиқ миқдорини бюджетга ўз вақтида ва тўла миқдорда тўлаши;

г) даромад олиш учун фойдаланилаётган биноларга солиқ идораларининг мансабдор шахсларини киритиши шарт.

2. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар:

а) ишчилар ва хизматчилар иш ҳақидан олинадиган солиқлар миқдорини ҳамда тўлов манбаида солиқ солинадиган бошқа даромадларни ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаб бериш, ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказишлари;

б) солиқ идоралари томонидан солиқ солиниши лозим бўлиб, ўзлари фуқароларга тўлаган даромадлар ҳақидаги маълумотларни солиқ идораларига ўз вақтида тақдим этишлари шарт.

3. Ташқи иқтисодий битимлар тузиш чоғида даромадни тўлайдиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ажнабий жисмоний шахслар ўрнига солиқ тўлаш харажатларини қоплаш мажбуриятларини ўз зиммасига олиши ҳақидаги солиқ шартлари киритилишига йўл қўйилмайди.

24-модда. **Солиқларни ушлаб қолиш ва нотўғри ушлаб қолинган солиқларни қайтариш тартиби**

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан ҳамда фуқароларнинг бошқа даромадларидан ўз вақтида ушлаб қолинмаган солиқ миқдори кўпи билан бир йил учун ушланиши мумкин, ортиқча пул ушлаб қолинган тақдирда эса нотўғри ушланганлиги аниқлангунча ўтган даврнинг кўпи билан икки йили учун қайтариб берилишига йўл қўйилади.

Даромадларига декларацияларга мувофиқ солиқ солинадиган, солиқ тўлашга ўз вақтида жалб этилмаган ёки нотўғри солиқ солинган фуқаролардан солиқни ундириб олиш ёхуд уларга қайтариб бериш солиқни нотўғри ушлаш аниқлангунга қадар ўтган даврнинг кўпи билан икки йили учун амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг солиқни тўлашдан бўйин товлаши натижасида ундирилмай қолган солиқ миқдори бутун бўйин товлаш даври учун ундириб олинади.

25-модда. **Фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг жавобгарлиги**

1. Солиқ солинадиган даромадлари тўғрисидаги декларацияни ўз вақтида тақдим этмаган солиқ тўловчиларга солиқ идоралари олдинги ҳисобот йилида тўланган солиқнинг 150 фоизи миқдорида ёки солиқ идораси эга бўлган даромадлар тўғрисидаги маълумот асосида шартли равишда ҳисоблаб чиқилган миқдорда солиқ тўлаш тўғрисида тўлов хабарномаси юборилади. Мазкур ҳужжатлар тақдим этилгач ва улар текшириб кўрилгандан кейин солиқ миқдори ҳақиқатан олинган даромадга қараб тўланадиган солиқнинг 10 фоизи ушлаб қолиниб, қайтадан ҳисоб-китоб қилинади.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузишда айбдор бўлган ёки махсус равишда тақиқлаб қўйилган якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, шунингдек даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмасликда ёки ўз вақтида тақдим этмасликда ёхуд декларацияга нотўғри маълумотларни киритишда, солиқ солиш мақсадлари учун зарур бўлган даромадлар ва харажатларнинг тегишли ҳисоб-китоби бўлмаганлигида айбдор бўлган фуқаролар солиқ идораларининг раҳбарлари томонидан Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган миқдорларда жарима солиш тарзидаги маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

2. Солиқ солиниши лозим бўлган амалда олинган даромадларни яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) учун даромаднинг яширилган (камайтирилган) қисми тўла тортиб олинади ва даромаднинг яширилган (камайтирилган) қисми миқдорида жарима солинади, қонунни такрорий бузган тақдирда эса икки ҳисса миқдорида жарима солинади.

Эркин алмаштириладиган валютада олинган даромадларни яшириш даромад миқдорини СССР Давлат банкининг махсус курси билан икки ҳисса миқдорида қайта ҳисоблаб чиқишга сабаб бўлади.

Ана шу пул солиқ идораларининг мансабдор шахслари протокол тузган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида бюджетга ўтказилади. Ана шу пулни тўлашдан бош тортилган тақдирда у муддатида тўланмаган солиқларни ва солиқдан ташқари тўловларни ундириб олиш тўғрисидаги Низомда белгилаб қўйилган тартибда ундириб олинади.

3. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг даромад солиғи миқдорини тўла ҳажмда ўз вақтида ушлаб қолмаганлик ва бюджетга ўтказмаганликда, фуқароларнинг даромадларини яширишда (камайтириб кўрсатишда), бухгалтерия ҳисоботини олиб бормаганлик ёки бундай ҳисоботни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб борганлик, солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаганлик, умуман тақдим этмаганлик ёки белгиланган шаклда тақдим этмаганликда айбдор бўлган мансабдор шахслари солиқ идораларининг раҳбарлари томонидан Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган миқдорларда жарима солиш тарзидаги маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

4. Ҳақ тўлаш манбаида ундирилиши лозим бўлган, ўз вақтида ушлаб қолинмаган, тўла ушлаб қолинмаган ёки бюджетга ўтказилмаган солиқ миқдори фуқароларга даромад тўлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан солиқ идоралари томонидан шак-шубҳасиз ундириб олинади.

5. Солиқ тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун муддати ўтган ҳар бир кун учун тўланмаган миқдорнинг 0,5 фоизи миқдорида пеня ундирилади.

26-модда. **Солиқ идораларининг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш**

Мансабдор шахсларнинг солиқни ундириб олиш чоғида йўл қўйган ҳаракатлари ва фармойишлари устидан шикоятлар ана шу шахслар бевосита бўйсунадиган идорага ёки қайси идоранинг фармойиши билан солиқ ундирилаётган бўлса, ўша идорага топширилади. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар устидан тушган шикоятлар шикоят тушган пайтдан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқилади ва улар бўйича қарор қабул қилинади, фуқаролар устидан тушган шикоятлар эса фуқароларнинг хатлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш учун белгилаб қўйилган муддатда кўриб чиқилади ва улар бўйича қарор қабул қилинади.

Шикоятларга доир қарорлар устидан бир ой муддат ичида юқори турувчи солиқ идорасига ёки халқ судига шикоят қилиш мумкин.

Шикоят топшириш солиқ ундиришни тўхтата олмайди. Шикоятни кўриб чиқаётган идора шикоят ҳал қилингунга қадар тегишли солиқ миқдорини ундиришни тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Солиқ идоралари мансабдор шахсларининг маъмурий жазо белгилашлари билан боғлиқ ҳаракатлари устидан шикоят қилиш Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

27-модда. **Ушбу Қонунни қўллашга доир кўрсатмалар**

Ушбу Қонунни қўллашга доир кўрсатмалар Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда чиқарилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 15 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ФУҚАРОЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон ССР фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни 1991 йил 1 апрелдан бошлаб кучга киритилсин.

2. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар 1991 йил 1 апрелгача бажарилган ишлар ва амалга оширилган бошқа фаолият учун Қонун кучга киритилганидан кейин тўлайдиган иш ҳақи ва бошқа тўловларга Қонун қабул қилинишидан олдин амал қилган тартибда ва миқдорларда даромад солиғи солинади.

Фуқароларнинг бошқа барча даромадларига даромад олинган вақтидан қатъи назар Қонунда белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорларда солиқ солиниши керак.

3. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети:

— 1991 йил 1 апрелигача Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига Ўзбекистон ССРнинг қонун ҳужжатларини «Ўзбекистон ССР фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги» Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштириш ҳақидаги таклифларни киритсин;

— 1993 йил 1 январигача фуқаролардан олинадиган даромад солиғини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичини амалга ошириш ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши муҳокамасига киритсин, бу таклифларда фуқаролар шахсий даромадларига жами йиллик даромад суммасини, болаларни, қарамоғидаги шахсларни боқишга қилинадиган харажатларни ва бошқа ижтимоий жиҳатдан асосли харажатларни тўла ҳисобга олган ҳолда солиқ солишнинг ягона принципларига ўтишни назарда тутсин;

— Ўзбекистон ССР ҳукуматининг қарорларини «Ўзбекистон ССР фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 15 февраль.

● ЗОМИН ШАРШАРАСИ ШИФОБАХШДИР
● НОВҚА — ҚУҲНА ҚАДАМЖО
● САЁҲАТЧИЛАР НАВРЎЗ МЕҲМОНИ

ЖИЗЗАХ: САЁҲАТ ЧОРЛАЙДИ

● ЯНГИЛИКНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

ЖИЗЗАХ (телефон орқали). Бу ерда саёҳатчиларни мамнун этадиган замонавий ором кошонаси тантанали очилди. Вилоят ҳаётида ўзига хос воқеага айланган бу маросимга кўплаб одамлар тўпланди.

Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан оқиб келадиган саёҳатчилар ҳордиқ чиқарадиган бу комплекс очилишига таклиф этилган нуронийлар ва ҳурматли отахонлар — вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг раиси Зокир Санақулов, унинг ўринбосари Эркабой Исломов қизил лентани қирқиб, йиғилганларни янги кошона ишга туширилаётганлиги билан муборакбод этдилар.

Шундан кейин биз саёҳат комплексининг бош директори Али Алимович АЛИМОВ билан суҳбатлашдик.

— Жиззах вилояти ўзининг тарихий, маданий қадамжолари ва сўлим масканлари билан фахрланади. Оромбахш жойларнинг гўзал табиати, мусаффо ҳавоси Иттифоқимиздаги энг донги кетган оромгоҳ минтақаларидан сира қолишмайди. Баҳри кенг далалар, латофатли боғлар, сервиқор тоғларолди манзаралари киши қалбига беадад ҳузур бахш этади. Айниқса, Зомин шаршарасининг жамоли бетакрор. Бу шаршара 80 метр баландликдан ўйноқлаб тушади. Унинг зилол суви жилоси айниқса хаста кишиларнинг руҳига енгиллик бахш этади.

Бундан ташқари Бахмалдаги Новқа қадимий ёдгорлиги кўҳна тарих ва унинг табаррук одамлари тақдири ҳақида ҳикоя қилади.

Янги кошона қурилиши вилоятимизда туризмни тараққий эттириш учун айни муддао бўлди. «Жиззахстрой» қурилиш трести, «Қурувчи» кооперативи ва Тошкентдаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш участкаси бунёдкорлари иншоотда яхшигина меҳнат қилишди. Тўққиз қаватли, 312 ўринли меҳмонхона, унинг ёнида 80 ўринли ресторан, сауна-ҳаммом, қатор маиший хизмат устахоналари ҳам бир йўла ишга туширилди. Қурилиш ва бинони жиҳозлаш ишлари учун 2 миллион юз минг сўм маблағ сарфланди.

Кошона ғоятда қулай ерда жойлашган.

Унинг олдида Жиззах вилоятининг мемориал ёдгорлиги комплекси ва 200 гектардан иборат катта оромгоҳи бўлиб, файз, тароват бахш этиб турибди. Ана шундай вазиятдан келиб чиқиб биз хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ҳамда салмоғини кескин оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ўтган йили 5 минг кишини кутиб олган бўлсак, бу йил 7 минг кишига хизмат кўрсатиш кутилмоқда. Бундан ташқари ҳорижий мамлакатлардан келадиган саёҳатчиларни ҳам кутиб оляпмиз. Бу йил Польша ва Чехословакия саёҳатчилари Жиззах вилоятининг меҳмони бўлишади. Келгуси йилда улар сафига Франция туристлари ҳам қўшилади.

Кейинги пайтларда саёҳатчиларга шавқу завқ бахш этадиган бир неча маршрутларни йўлга қўйяпмиз. «Зомин — Бахмал — Жиззах» ва «Жиззах — Самарқанд — Бухоро» маршрутлари бунга мисол бўла олади.

Бугундан бошлаб яна бир хайрли ишга қизғин ҳозирлик кўришга киришдик. У ҳам бўлса саёҳатчиларимиз учун ўтказиладиган Наврўз байрамидир. 20 март куни янги комплексда Иттифоқимизнинг қатор шаҳарларидан келадиган турли миллат вакиллари ўртасида биз ўзбек халқининг энг ардоқли ва севимли байрами — Наврўзни ифтихор билан кўз-кўз этамиз.

А. ПУЛАТОВ.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кабинети Раисининг биринчи ўринбосари

И. Ҳ. ЖЎРАБЕКОВ НУТҚИ

Ҳурматли ўртоқлар! Ўзбекистон ҳукумати кейинги йилларда экология, санитария соғломлаштириши борасида кўп ишлар қилмоқда, соғлиқни сақлаш, сув билан таъминлаш каби иншоотлар жадал қурилмоқда.

Ҳозир кун тартибида турадиган асосий масала бу — Орол денгизини ҳеч бўлмаса ҳозирги аҳволда сақлаб қолиш масаласидир. Бунга эришиш имконини берадиган биринчи галдаги тадбирларни зудлик билан ишлаб чиқиш ва уларни бевосита амалга ошира бошлаш зарур.

Бугун шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, агар шошилинч тадбирлар кўрилмаса, юз минглаб гектар ҳосилдор ерларни бутунлай қум босиши мумкин. Ваҳолонки, бу ерлар миллионлаб кишиларни иш билан таъминлайди ва уларнинг яшаш манбаи ҳисобланади. Аҳоли сони жадал суръатда кўпайиб бораётган бир пайтда ерларнинг қум босиш жараёни оғир иҳтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Орол муаммоси хусусидаги илмий ишланмаларнинг ҳозирги аҳволини назарда тутиб, бугунги кундаёқ амалга оширилиши мумкин бўлган биринчи галдаги тадбирларни рўёбга чиқаришга бутун диққат-эътиборни қаратиш зарур, деб ўйлаймиз.

Биринчи навбатда Орол денгизи ҳавзасидаги барча республикаларда сувдан фойдаланишни тартибга солиш керак. Маълумки, бунинг эвазига, ҳисоб-китобларга қараганда, 10 куб километрга яқин дарё сувини денгизга оқизиш мумкин. Коллектор-дренаж сувларини олиш учун ўнг ва чап соҳилда магистрал коллекторлар қурилишини тезлик билан бошлаш даркор. Бу шунингдек, яна қўшимча равишда 10 куб километр сув олиш имконини беради, дарё суви сифатини ҳам яхшилайди. Мутахассислар ва олимларнинг ишланмаларига кўра ана шу тадбирлар мажмуининг ҳаммасини бажариш учун камида 50 миллиард сўм керак бўлади. Орол денгизи сатҳини барқарорлаштириш учун зарур бўлган яна 10-15 куб километр сувни республикаларда сув истеъмолини қисқартиш ҳисобига олиш таклиф этилмоқда. Эҳтимол, бу истиқболда тўғри йўналиш бўлар.

Бироқ, суғориладиган ерларни қисқартириш ҳисобидан сувни бўшатиб олиш мумкин эмас, чунки бугун Ўзбекистонда киши бошига 0,2 гектар суғориладиган ер тўғри келади, ваҳолонки, илмий асосланган нормага мувофиқ бу 0,3 гектар бўлиши керак. Келажакда аҳоли сони кўпайиши билан ана шу нисбат янада ёмонлашади.

Орол денгизи ҳавзаси ва Оролнинг ўзининг келажаги минтақадаги бешта республика нормал яшаши учун энг камида қанча миқдорда сувга эга бўлиши лозимлиги ва айни вақтда ана шу энг кам даражага эришишнинг босқичлари қандай бўлиши билан белгиланади. Бунинг учун, ривожланишнинг умумий қоидаларидан ташқари, сувни тежаш, иҳтимоий фаровонлик ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш дастури билан ким ва қандай маблағлар ҳисобига шуғулланишини ҳам аниқлаб олиш зарур.

Минтақа миқёсида суғориш тадбирларини маблағ билан таъминлашда марказлашмаган, мувофиқлаштирилмаган вазият юзага келганлигига холис баҳо берар эканмиз, Орол денгизига сув юбориш учун сув ресурсларини тежашга доир 1110-қарорни айрим вилоятлар ва республикалар бажармаётганини айтиш мумкин. Кимда-ким ўз маблағлари ҳисобидан сувни тежар экан, у албатта уни ўз эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш учун, яъни суғориладиган ерларни кўпайтириш учун бор куч-ғайратини сарфлайди. Шу сабабли табиатни муҳофаза қилиш дастурини бажариш — умумдавлат вазифаси, уни амалга ошириш учун бутун мамлакат миқёсида мисли кўрилмаган куч-ғайрат, кўплаб маблағ ва ресурсларни сарфлаш талаб этилади.

Қарор лойиҳасининг баъзи бандларига доир бир неча таклиф ва мулоҳазаларимиз бор.

Қарор лойиҳасида Орол фожиаси сабабларини ҳамда бунга айбдор бўлган кишиларни аниқлаш учун махсус комиссия тузиш таклиф қилинади. Бу билан Оролни қутқариб қололмаймиз. Бизни рўй берган барча кулфатларни Ўрта Осиё республикалари ва Жанубий Қозоғистон халқи табиий ресурсларга нисбатан ўзининг хўжасизлиги оқибатида бошидан кечирмоқда, сув хўжалигида ва суғориш ишларида бизда гўёки бутунлай тартибсизлик ҳукмрон, деб ишонтиришга уринмоқдалар. Жумҳуриятлар халқ хўжалик режалари тузилаётганида қандай тазйиққа учраганлиги ҳаммага маълум, бу режаларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини ҳар йили анча кўпайтириш назарда тутилларди. Шуни ҳам айтиш керакки, 1,5 миллион тонна пахта толасининг атиги 10 фоизи Ўзбекистонда қолади. Ўзбекистон Бутуниттифоқ жамғармасига ҳар йили 1,2 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб беришини ва боз устига, бунинг учун республикамиз жавобгар бўлишини ҳам эслатиб ўтишни хоҳлардим.

Қарор лойиҳасига тегишли ва ҳаммамизни тўлқинлантираётган кейинги масала бу мазкур масала юзасидан республика таклифларининг тақдири масаласидир. Таклиф этилган лойиҳада бизнинг таклифларимиз нима сабабдан акс этмаганлигини биз мутлақо тушунмаяпмиз. Ваҳолонки, уларда жумҳурият учун ниҳоятда муҳим бўлган қуйидаги масалалар бор эди:

Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухоро вилоятларини Иттифоқ бюджети ҳисобидан ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ дастурини шакллантириш масаласини биринчи навбатда ҳал этиш;

барча ижтимоий, иқтисодий ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини марказлашган ҳолда маблағ билан таъминлаш асосида Оролбўйи ва Орол денгизи ҳавзасининг тармоқ комплекс дастурини ишлаб чиқиш;

Ўрта Осиё ва Қозоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини СССР ҳукумати тасдиқлаши;

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ишлаб чиқариш кучларини 2010 йилгача бўлган даврда ривожлантиришнинг комплекс дастурига мувофиқ ишлаб чиқилаётган Орол денгизи ҳавзасидан тўла-тўкис фойдаланиш ва сув ҳамда ер ресурсларини муҳофаза қилиш чизмалари тасдиқланишини тезлаштириш;

шунингдек Орол денгизи сатҳини ва соҳилбўйи саёзликларидаги сув режимини тартибга келтириш ҳамда ўнг ва чап соҳилда сув магистраллари қурилишини техникавий-иқтисодий жиҳатдан асослаш учун иншоотлар қурилиши техникавий-иқтисодий ҳисоб-китобларини тасдиқлаш;

истиқболда минтақани сув билан таъминлаш муаммосини ҳал этишнинг зарур шарти сифатида Сибирь дарёлари сувини Орол денгизи ҳавзасига оқизишга доир илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа ишларини тиклаш ва ҳоказо.

Ўзбекистоннинг бошқа мулоҳазалари ҳам бор, улар баён этилган ва биз бу мулоҳазаларни ҳисобга олишни сўраймиз.

Сўзимнинг охирида С. П. Залигиннинг нутқи ҳақида тўхтаб ўтмоқчиман. У бизнинг минтақада сув ниҳоятда кўп — 44 миллиард куб метргача исроф бўлаётганини айтди. Мен уни ёзувчи сифатида ҳурмат қиламан. Лекин бизда бу қадар кўп сув исроф бўлмаётганини айтишим керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Амударё ва Сирдарёда жами 94 миллиард куб метр сув оқади, биз эса Ўрта Осиёдаги барча жумҳуриятлар ва Жанубий Қозоғистон билан биргаликда 110-114 миллиард куб метр сувдан фойдаланамиз ва ҳатто айланма сувларни ҳам ишлатамиз. Хўш, бундай исрофгарчилик қаердан келиб чиқиши мумкин. С. П. Залигин бундай гапни айтишдан олдин минтақамизда 36 миллиондан кўпроқ киши яшаётганини ўйлаши керак эди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат кооператив комитети
РЕСПУБЛИКА ТИЖОРАТ-АХБОРОТ БИРЛАШМАСИ
12—14 МАРТ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА
корхоналар, ташкилотлар, маҳкамалар, кооперативлар, жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари учун:

— фойдаланилмаётган маҳсулотлар, ўрнатилмаган ускуналарни хўжалик муомаласига жалб қилиш;

— корхоналар ўртасида маҳсулот айирбошлаш ва етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш бўйича

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-САНОАТ ЁИМА САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ
14 МАРТ СОАТ 15.00 ДА фойдаланишда бўлган енгил ва юк автомобилларининг
КИМ ОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Шу ернинг ўзида республика корхоналарида чиқариладиган, ишлаб чиқариш-техника мақсадлари учун мўлжалланган маҳсулотлар ва ишлатилмасдан ётиб қолган молларнинг доимий кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Ёйма савдо-кўргазма манзили: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, 2-тематик павильон.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 34-53-87, 34-41-83, 41-16-60.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ СИРТҚИ БЎЛИМ КУТУБХОНАЧИЛИК КУЛЛИЕТИ

1, 3 курс талабаларини 25 МАРТГАЧА
4 курс талабаларини
18 МАРТДАН 7 АПРЕЛГАЧА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИГА ЧАҚИРАДИ

Театр

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да **Фармонбиби аразлади** (16.00 ва 19.00), 8/III да **Отасининг қизи** (12.00, 16.00 ва 19.00), 9/III да **Фармонбиби аразлади**, 10/III да **Зиёфат**.

Уста ва шогирдлар

ёки минг йиллик чинор соясидаги емакхона соҳиблари

— Ойи, иш топдим, —деди кўчадан югуриб келган Комилжон онаизори Ҳайдарбуви ая рўпарасида ҳансираб. Ўшанда катта оиланинг қарчиғайдай уч ўғли Улуғ Ватан урушига жўнаб кетган ва биридан қорахат келиб, рўзғор қийинчиликлари катта-ю кичикни синовдан ўтказарди...

Шунга ҳам қарийб эллик йил бўлаяпти. Ўшанда Комилжон умумий овқатланиш тармоғидаги ошхонага ўт ёқувчи бўлиб ишга кирди, рўзғорга баҳоли қудрат мадад бера бошлади. Чаққонгина, хушфеъл Комилжон ўша даврнинг донг-довруқли ошпазлари Юсуфжон Урозбоев, Солижон Очиловларнинг назарига тушиб қолди. Ўт ёқувчига пазандалик сирларини ўргата бошлашди.

— Рўзи Охундан миннатдорман, — деб хотирлайди Комилжон ака. — Уста Охун (биз уни шундай атардик) хамир овқат пиширишда ўнчамунчага бар тутқазмасди. Лагмон чўзиш, сомса тугиш, чучвара пиширишни ўша устадан ўргандим. Нон ширин паллаларр эди, вақт билан ҳисоблашмасдик. Қорин тўйганига-ю, уйга у-бу олиб кетганимизга хурсанд эдик.

У узоқ ҳикоя қилди. Ҳунар ўрганишга бўлган иштиёқи, «қора иш»дан завқланиши, ҳунарли киши азиз бўлишини алоҳида таъкидлади. Айниқса, «ишёқмас кишидан ошпаз чиқмайди», «бундай киши тармоқда ишласа ҳам обрў топмайди», ҳалоллик, инсофли бўлиш хусусидаги гаплари бизни ўйга толдириб қўйди.

Баъзан ошпазлик заҳматларини кўз олдимизга келтирмай, уларнинг ҳаммасини бир варакайига «қўли эгри» деб ўйлашимиздан ҳижолат тортдик.

Комилжон Орипов қарийб 45 йилдирки, хўрандаларга намунали хизмат кўрсатиш билан банд. Шу йиллар ичида фақат икки жойда ишлади. Тошкент шаҳар Октябрь район умумий овқатланиш трести ошхоналарида 19 йил шогирд, ошпаз, бош ошпаз бўлиб ишлади. «Баҳор» ресторанида селкам 30 йил ишлаб ўсибунди. Туп қўйиб-ғалак отди. Пазандачиликнинг барча босқичларини босиб ўтди. Ҳозир у ресторан директори ўринбосари — шаҳарнинг қоқ ўртасидаги гавжум даргоҳда 1000 йилдан буён қомат ростлаб турган машҳур чинор соясида ишлаб турган «Фарғона» емакхонаси (ресторан филиали) фаолиятини бошқариб бормоқда. Ўнлаб шогирдлари бор. Улар билан ҳақли равишда фахрланади. Уларнинг кўпи мустақил ишларга ўтиб кетишган — бири бошқарма бошлиғи, бошқалари ресторанларнинг директорлари, бош ошпазлар, технологлар.

Қадим-қадимдан бизда, Шарқда ўз ишининг тадбиркорлари, омилкорлари, билимдонларини уста дея эъзозлашган. Комилжон Орипов ҳам ўз ишининг устаси, билимдони, фахрийлари сирасига киради. Устозлари-ю шогирдлари билан фахрланади. Олийгоҳни—ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тамомлаб, савдо иши иқтисодчиси дипломи билан қутлаганлар ҳам, Москвадаги Бутуниттифоқ конкурсида 40 таомдан 38 хилини тайёрлаб совриндор бўлганида ҳам, «СССР совет савдоси аълочиси» нишонини таққанида ҳам, «Ёшлар мураббийси» медалига сазовор бўлганида ҳам уни биринчи бўлиб устозлари ва шогирдлари табриклашган.

Х. ҚОСИМОВ.

Суратда: Комилжон Орипов (ўртада) шогирдлари —«Фарғона» емакхонаси бош ошпази Тўлаган Қосимов, «Баҳор» ресторани бош ошпази муовини Рифат Қосимов, ошпаз Шуҳрат Қорабоев ва технолог-муҳандис Ольга Лисенько даврасида.

СПОРТ

ШАШКА:

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

● Хотин-қизлар ўртасида халқаро шашка бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионати якунланди. Тошкентлик Нонла Бадиева билан фарғоналик Зайнаб Сафина бир хил — 10 тадан очко тўплаб, ғолиблик супасининг биринчи ва иккинчи ўринларини эгаллашди. Чирчиқлик Гавҳар Норбекова ғолиблардан ярим очко ортда қолиб фахрли учинчи ўринга кўтарилди. Қизлар орасида самарқандлик Ирина Сулманянц 9,5 та очко билан пешқадам бўлди.

ФУТБОЛ:

СОВРИН УЧУН КУРАШ

● Кеча Европа кубоклари учун чорак финал учрашувлари бўлди. Мамлакатимиз тўрт командаси қизғин баҳсларда иштирок этди. Чунончи, пойтахт спартакчилари Мадриднинг «Реал» клубини қабул қилдилар. Киев динамочилари Испаниянинг «Барселона» футболчилари билан учрашдилар. Данияннинг «Брондбю» клуби билан пойтахт торпедочилари ўйини ҳам қизиқарли бўлди.

СССР кубоги учун чорак финал учрашувлари бўлиб ўтди. Ярославлнин: «Шинник» командаси стадиони мавсумга шаймаслиги важидан «Локомотив» жамоасини қабул қилолмади. Шу тариқа темирйўлчилар яна бир ўйинга йўлланма олишди. Спартакчилар билан торпедочилар учрашувида 11 метрли жарима тўплари тепиш бўйича (1:3) «Торпедо» курашни давом эттирадиган бўлди. «Арарат» — «Черноморец» ўйинида 1:0 ҳисоби қайд қилинди. ЦСКА ва «Динамо» (Мн) футболчилари учрашуви (4:1) ҳам ўтказилди.

СПОРТПРОГНОЗ

● 9-тиражда қуйидаги натижалар маълум бўлди. 1—Х, 2—1, 3—1, 4—Х, 5—1, 6—1, 7—1, 8—2, 9—2, 10—1, 11—1, 12—1, 13—1.

Эслатма: биринчи рақам командалар жуфтлиги, иккинчиси ўйинлар натижаси.

Нуқтаи назар — О. Г. ЧАЙКОВСКАЯ.

НОМУС

Сиғиниш онгининг такрорланувчи жиноятлари ҳақида «бемаврид» ёзилган мақола

Тўғри, жиноятчилар уларни калтаклашмади. Бироқ «уларга нафас олиб бўлмайдиган вазиятни вужудга келтиришди», таҳқирлайверишди, ҳол-жонларига қўйишмади. Уйқу бермадилар... Энг асосийси, бўйниларига арқон солиб, агар терговчиларнинг айтганига қулоқ солмасанглар, ҳолингиз вой бўлади, деб ишора қилдилар. Ёш олим Гдлян ундан отаси учун шунчаки ўғирланган пулларни ундирмоқчи деб ўйлаши мумкин эди. Чунки, бошқалар шундай қилишган, дўстлари, таниш-билишлари, қариндош-уруғларини айтишган, қўлларидан қанча келса шунча пул йиғиб беришларини илтимос қилишган эди. Бироқ бу фикр ёш олим учун мутлақо бегона эди. Лекин Гдлян ҳибсхонасида ҳам яшай олмасди. У ўз-ўзини ўлдирмоқчи бўлди, бироқ имкон беришмади. Бу олим воқеасини Москвада кўпчилик, шу жумладан, минтақаларо гуруҳ аъзолари ҳам билишарди. Аммо уларнинг биронтаси ҳам олим ҳимоясига отланмади. Бир гуруҳ москвалик физикларгина уни қутқариш учун кураш олиб борган, холос. Айни улар Олий Кенгаш комиссияси иш олиб бораётган даврда уни қутқаришга муваффақ бўлишди.

СССР халқ депутатлари Съездида Ўзбекистонлик депутатлар ҳам жуда кўп нарсаларни гапириб бердилар. Бир аёлни ашаддий жиноятчилар ётган камерага тиқканлари, у ерда уни қанчалик таҳқирлаганликлари ҳақидаги ҳикоя киши этини жимирлатиб юборади. Мен, минтақаларо гуруҳнинг аъзолари, зиёли, ёш депутатлар Станкевич, Болдирев, Заславскийлар, ўша ақлли, ўша кучли, ўша одил халқ намояндалари ўринларидан туриб сўзга чиқадилар, Гдлян гуруҳига нисбатан ўз муносабатларини билдирадилар, деб кутдим. Йўқ, қоралмадилар. Наҳотки, улар мана шу даҳшатли ҳикояларни эшитмадилар. Г. В. Старовойтованинг аёл киши бўла туриб, наҳотки қалби ларзага келмади?

Аксинча, кўз кўриб қулоқ эшитмаган ишлар содир бўла бошлади: М. С. Горбачевнинг зўр бериб қилган сайи-ҳаракати туфайли мамлакатга умуминсоний қадриятлар қайтарилаётган бир пайтда, ҳа, айнан шу даврда зиёлиларнинг намояндалари «синфий» ахлоқ принципларига қайтдилар. Бу принципларга кўра, мазкур гуруҳ учун фойдали бўлган нарсалар яхши деб тан олинади. Раҳм-шафқат қилиш керак бўлса ўз одамларинг. Ўзгалар учун эса барча эшиклар тақа-тақ берк.

Мен «гдлянча» суд жараёнлари биридан кўнглимда ғулғула билан қайтардим (умуман олганда айрим юристлар бундай «гдлянча» суд жараёнларининг ҳаммасини бошқатдан текшириб кўриш керак, деб ҳисоблайдилар. Менимча, улар ҳақдирлар. Негаки, мазкур суд жараёнларининг аксарият қисмида у ёки бу даражада қонунсизлик мавжуд). Судланувчи шахс оғир ҳаста бўлиб икки марта буйрагини операция қилдирган, икки марта инфаркт бўлган экан. Уни касалхонанинг ўзида қамоққа олишган ва ўзининг айтишича, ҳибсга олиш пайтида учинчи инфарктни ўтказган. У судда тик туриб қатнашди. Ўтира олмасди. Айбини исботлашдими? Йўқ! Ўзи ҳам, гувоҳлар ҳам тергов пайтида берган кўрсатмаларидан воз кечишди. Бошқа далил-исботлар эса (бу нарса Гдлян гуруҳи тайёрлаган ишлар учун оддий ҳодисага айланган) йўқ эди. Мен суддан қайтар эканман, таниқли бир олимни, жамоат ишларида бенуқсон иштироки билан обрў-эътибор топган, дарвоқе, жуда ёқимтой олимни учратиб қолдим. У минтақаларо гуруҳнинг аъзоси бўлиб, суд жараёни ҳақидаги ҳикояни мароқ билан эшитиши керак эди. Боз устига у Гдлянни деярли ҳар куни кўриб турарди. Қамоққа олиш воқеасини, буйрак операцияларини, инфарктларни ҳамда қўйилган айблар исботланмаганлигини ҳикоя қила бошладим. Кейин ўгирилиб қарасам, суҳбатдошимнинг хаёли бутунлай бошқа жойда эканлигини, кўзларида ҳеч қандай учқун порламаётганлигини сезиб қолдим.

— Уларнинг айбдор бўлиб чиқишларини жуда истар эдик, — деди у ниҳоят.

«Улар»! Аниқ бир одам эмас, қандайдир «улар» деганда бутунлай бегоналарни, душманларни тасаввур қилишяптими? Инсонлар чекаётган азоб-уқубатлар ҳақида гап кетаётганда бизнинг энг яхши кишиларимиз-ки, улардан юз ўгирса, кўзларини олиб қочишса — шунинг ўзи охират замон эмасми?

Сўллар Гдлян билан иттифоқ тузар эканлар, бу иттифоқ вақтинчалик бўлади, демак ҳеч кимга зиён етказмайди, деб ўйлашган бўлишса керак. Бироқ, гдлянчилик ҳаракати ижтимоий онгга журрават кўрсатадилар, бегоналар учун эса барча эшиклар тақа-тақ берк.

Мен «гдлянча» суд жараёнлари биридан кўнглимда ғулғула билан қайтардим (умуман олганда айрим юристлар бундай «гдлянча» суд жараёнларининг ҳаммасини бошқатдан текшириб кўриш керак, деб ҳисоблайдилар. Менимча, улар ҳақдирлар. Негаки, мазкур суд жараёнларининг аксарият қисмида у ёки бу даражада қонунсизлик мавжуд). Судланувчи шахс оғир ҳаста бўлиб икки марта буйрагини операция қилдирган, икки марта инфаркт бўлган экан. Уни касалхонанинг ўзида қамоққа олишган ва ўзининг айтишича, ҳибсга олиш пайтида учинчи инфаркт